

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**45-сон**  
**(233)**  
**2006 й.**  
**ноябрь**

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

+

-

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

439. «В.П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкилий тузилмасини такомиллаштириш ва молиявий-иқтисодий жиҳатдан соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 30 октябрдаги ПҚ–500-сон қарори [Кўчирма]
440. «Алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 ноябрдаги ПҚ–505-сон қарори
441. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 ноябрдаги ПҚ–506-сон қарори

*Учинчи бўлим*

442. «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш ва улардан фойдаланишни ташкил этишни ҳамда сифатини назорат қилишни такомиллаштириш

- тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 ноябрдаги 226-сон қарори
443. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзтрансгаз» акционерлик компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 8 августдаги ПҚ-438-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 3 ноябрдаги 227-сон қарори
444. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 21 августдаги ПҚ-446-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 3 ноябрдаги 228-сон қарори
445. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида» 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 ноябрдаги 230-сон қарори
446. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида» 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 ноябрдаги 231-сон қарори
447. «Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасида беғараз кўмакни жалб этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 8 ноябрдаги 232-сон қарори
448. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 9 ноябрдаги 234-сон қарори

#### *Бешинчи бўлим*

449. «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни чиқариш, давлат рўйхатига олиш ва сўндириш (бекор қилиш) тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг 2006 йил 30 октябрдаги 228-В-4, 2006-12-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 7 ноябрда 1216-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
450. «Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нотариал фаолият билан шуғулланиш

хуқуқини берувчи лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъатининг 2006 йил 8 ноябрдаги 28-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 8 ноябрда 1637-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

451. «Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идораларида ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ҳузурида стажировка ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъатининг 2006 йил 8 ноябрдаги 29-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 8 ноябрда 1638-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2006 йил 4 ноябрдан 10 ноябргача бўлган маълумот

+

-

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **439 В.П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкилий тузилмасини такомиллаштириш ва молиявий-иқтисодий жиҳатдан соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

#### [Кўчирма]

«В.П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамияти салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш, замонавий рақобатбардош авиация техникасини барқарор ишлаб чиқаришни таъминлаш, шунингдек ишлаб чиқаришни бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадида:

1. Таъкидлансинки, сўнгги йилларда В.П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси («Чкалов номидаги ТАИЧБ» ДАЖ) томонидан шовқин, эмиссия ва аниқ навигация бўйича ИКАО талабларига тўлиқ жавоб берадиган транспорт ҳамда йўловчи ташувчи янги авлод самолётларини мунтазам ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

2. «Чкалов номидаги ТАИЧБ» ДАЖ бошқарув органлари ва ижро аппарати-нинг ташкилий тузилмаси 1-2 иловаларга\* мувофиқ маъқуллансин.

Белгилансинки, «Чкалов номидаги ТАИЧБ» ДАЖнинг бошқаруви раиси — бош директори ва бошқарув аъзолари (бош муҳандис, бош директор ўринбосарлари, худудий бўлинмалар директорлари) акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимларга тасдиқланади.

Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бошқаруви раисига Кузатув кенгаши билан келишган ҳолда бошқарманинг тасдиқланган ижро аппарати тузилмасига ходимларнинг белгиланган штат бирлиги доирасида ўзгартишлар киритиш рухсат этилсин.

3. Қўйидагилар «Чкалов номидаги ТАИЧБ» ДАЖнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналиши этиб белгилансин:

республикамизда авиация ва бошқа рақобатбардош техника ишлаб чиқаришни ривожлантириш, жумладан ички ҳаво йўналишларидаги эскирган самолётлар паркинни алмаштириш мақсадида узоқ истиқболни назарда тутган ҳолда Ил-114 туркумдаги самолётлар ишлаб чиқаришни таъминлаш;

бирлашманинг экспорт салоҳиятини ошириш ва молиявий аҳволини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

авиация саноатида муҳандислар ва бошқарувчи кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишни тизимли асосда ташкил этиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Чирчиқ авиация таъмир-

\* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

лаш-механика заводи активларини «Чкалов номидаги ТАИЧБ» ДАЖнинг устав фондига давлат улушини тўлдириш ҳисобига топширишни амалга оширсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази «Чкалов номидаги ТАИЧБ» ДАЖ чиқарган акцияларини эмиссия проспекти учун йиғимлар ундирмаган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширсин.

10. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси 2010 йилнинг 1 январигача бўлган муддатгача:

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган рўйхатлар бўйича ривожланиш прогнозлари режасига мувофиқ самолётлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган импорт қилинадиган бутловчи буюм ва материаллар;

капитал таъмирлаш учун республика ҳудудига олиб келинадиган ҳамда хорижий пудратчилар кучи билан таъмирлаш ва ишлов беришни тугатиш мақсадида республикадан ташқарига вақтинча олиб чиқиладиган самолётлар таркибидagi бутловчи буюмлар учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК билан биргаликда бир ой муддатда:

Ан-24 ва Як-40 самолётлари паркини алмаштириш мақсадида «Пратт Уитни» двигателли ва «Коллинз» авионикали Ил-114-100 самолётларини ишлаб чиқариш ва етказиб беришни узоқ муддатли имтиёзли кредитлашни ташкил этиш;

«Чкалов номидаги ТАИЧБ» ДАЖда Ил-114 самолётлари учун тренажер мажмуасини ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар тақдим этсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, «Чкалов номидаги ТАИЧБ» ДАЖ Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда бирлашма Низомига тегишли ўзгартишлар киритиш ва амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур қарор талабларига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Р. Шоисматов ва Р.С. Азимов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 30 сентябрь,  
ПҚ-500-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**440 Алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Қайд этилсинки, алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш тизимида тармоқнинг барқарор ривожланиши учун мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Алкоголли маҳсулотлар ҳам этил спирти ҳам, бир вақтда ишлаб чиқарилгани сабабли уларни ҳисобга олишда бузиб кўрсатиш ҳолларига йўл қўйилган.

Амалдаги лицензия мажбуриятлари мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, уни ташқи бозорга чиқаришни таъминламаяпти.

Қўрилаётган чораларга қарамай, алкоголли маҳсулотларни четдан нолегал (яширинча) келтириш ва ишлаб чиқариш, уларни ички бозорда, айрим ҳолларда эса юқори сифатли қалбаки акциз маркалар билан сотиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди.

Алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини янада ошириш, сифатсиз ва контрабанда йўли билан олиб келинадиган алкоголли маҳсулотлар ноқонуний ишлаб чиқарилиши ва сотилишига йўл қўймаслик устидан назоратни кучайтириш, шунингдек тармоқни бошқаришни такомиллаштириш мақсадида:

1. Қўйидагилар белгилансин:

этил спирти ишлаб чиқариладиган корхоналарда алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва қўйиш тақиқланади;

истеъмолбоп спиртни лицензияга эга бўлган алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга ва бошқа истеъмолчиларга сотиш фақат «Ўзвиносаноат-холдинг» ХК томонидан ҳар чоракда ташкил этиладиган ярмарка савдоларида белгиланган тартибда амалга оширилади;

махаллий ишлаб чиқарувчиларга алкоголли маҳсулотни маркировка қилиш учун акциз маркалар бериш фақат улар томонидан акциз маркалар номинал қийматининг 50 фоизи тўлангач, импортёрларга эса акциз солиғи суммасининг 50 фоизи тўлангандан кейин амалга оширилади.

2. 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб қўйидаги тартиб жорий этилсин:

алкоголли маҳсулотларни улгуржи-савдо бозорларида (комплексларда) сотиш тақиқланади;

«Шаробсавдо» ихтисослаштирилган ҳудудий улгуржи базалар томонидан алкоголли маҳсулотлар чакана савдога фақат етказиб берилган маҳсулот қийматининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдори олдиндан тўланиши шарти билан чиқарилади;

Вазирлар Маҳкамасининг Этил спирти, алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, тамаки хом ашёсини ферментациялаш ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссияси томонидан ҳар чоракда тасдиқланадиган тегишли ҳисобот чораги учун алкоголли маҳсулотлар товар айланмасининг ўртача ойлик ҳажмини таъминлаб бермайдиган «Шаробсавдо» ихтисослаштирилган ҳудудий базалари белгиланган тартибда тугатилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзвиносаноат-холдинг» ХК ва «Ўзспиртсаноат» АКнинг «Қўқон спирт», «Андижон биокимё заводи» ва «Янгийўл биохим» очиқ акциядорлик жамиятларининг спирт сифатини аниқлаш бўйича ишлаб чиқариш лабораторияларини «Ўзстандарт» Агентлиги ҳузуридаги Алкоголли маҳсулотлар сифати бўйича давлат инспекциясига ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

4. Белгилансинки, 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳуқуқини берувчи рухсатнома (лицензия) фақат Вазирлар Маҳкамасининг Этил спирти, алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, тамаки хом ашёсини ферментациялаш ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссияси томонидан берилади.

Вазирлар Маҳкамасининг Этил спирти, алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, тамаки хом ашёсини ферментациялаш ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссияси (А.Э. Набиев) 2 ой муддатда алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳуқуқига рухсат бериш бўйича талабларни қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

«Ўзвиносаноат-холдинг» ХК ва «Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда 2006 йилнинг 1 декабрига Алкоғолли маҳсулотлар қўйиш линияларини ҳисобга олиш ва фойдаланишнинг ягона реестрини юритиш низомини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда унинг юритилиши устидан мониторингни таъминласин;

«Ўзвиносаноат-холдинг» ХК ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2007 йилнинг 1 феврига этил спирти ва алкоғолли маҳсулотларни лицензиясиз ишлаб чиқарувчи корхоналарда алкоғолли маҳсулотларни қўйиш линиялари демонтаж қилинишини ва улар кейинчалик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси «Давлат белгиси» ДИЧБ билан биргаликда 2007 йилнинг 1 апрелидан бошлаб алкоғолли ва тамаки маҳсулотларига дизайни ўзгартирилган ва қўшимча даражада муҳофаза қилинган янги намунадаги акциз маркаларини жорий этсин.

Бундан буён акциз маркаларини ҳар 2 йилда янгилашни назарда тутувчи тартиб ўрнатилсин.

7. Алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини ошириш, уларнинг ноқонуний ишлаб чиқарилиши ва сотилишига йўл қўймаслик устидан назоратни кучайтириш бўйича тадбирлар Режаси иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлар Маҳкамаси иловага киритилган тадбирлар ижроси устидан қаттиқ назоратни таъминласин ва қалбаки алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг олдини олиш борасида қўшимча чора-тадбирлар кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг Этил спирти, алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, тамаки хом ашёсини ферментациялаш ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссияси ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 7 ноябрь,  
ПҚ-505-сон

\* Илова берилмайди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**441** Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 21 августдаги ПҚ-446-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2006—2008 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш тўғрисида» 2006 йил 10 июлдаги ПҚ-407-сонли қарорининг 3-иловасидаги 46-позицияси қуйидаги мазмундаги 46-1 ва 46-2-позицияларга алмаштирилсин:

46-1	3-1	«Ўзнефтгазқазибчиқариш» АК	Тошкент ш.	51,00	-	44,62
46-2	3-2	«Ўзгеобургунефтгаз» АК	Қарши ш.	51,00	-	44,62

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат активларига эга айрим йирик акциядорлик компаниялари Кенгашларининг таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 2006 йил 24 июлдаги ПҚ-424-сонли қарорининг 1-иловасидаги «Ўзбекнефтгаз» МХК» бўлими чиқариб ташлансин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш масалалари бўйича Давлат маслаҳатчисининг хизмати (Ф.Х. Отахонов) зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 7 ноябрь,  
ПҚ-506-сон



## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

### **442 Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни ташкил этишни ҳамда сифатини назорат қилишни такомиллаштириш тўғри- сида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 25 октябрдаги ПҚ-499-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда автомобиль йўллари қуриш самарали ташкил этилиши ҳамда улар сифати ва улардан фойдаланиш назорат қилинишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари таъмирлаш ва сақлаш ишлари таснифи 1-иловага мувофиқ;

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш, уларни реконструкция қилиш, мукамал ва ўртача таъмирлаш бўйича бажарилган ишлар сифатини назорат қилиш ва уларни қабул қилиб олиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги ягона буюртмачи хизматлари билан биргаликда:

тасдиқланган норматив ҳужжатлар талаблари қатъий бажарилишини таъминласин;

бир ой муддатда йўл қурилиши сифатини назорат қилишни ташкил этишни ва умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларида фойдаланишни такомиллаштиришга қаратилган аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 1 ноябрь,  
226-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 1 ноябрдаги 226-сон қарорига  
1-ИЛОВА

## Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари таъмирлаш ва сақлаш ишлари таснифи

### I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Тасниф умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари (кейинги ўринларда «автомобиль йўллари» деб аталади) таъмирлаш ва сақлаш ишларининг турлари ва таркибини белгилайди. Ишларнинг бу турлари ва таркиби маблағлардан фойдаланиш йўналишларини асослаш, автомобиль йўллари ва улардаги йўл иншоотларини таъмирлаш ва сақлаш харажатларини прогнозлаштириш ҳамда йўл ишларини ташкил этиш учун асос ҳисобланади.

2. Автомобиль йўллари таъмирлаш ва сақлаш ишлари қуйидаги турларга бўлинади:

а) таъмирлаш бўйича:

мукамал таъмирлаш;

ўртача таъмирлаш;

жорий таъмирлаш;

б) сақлаш бўйича:

автомобиль йўлини сақлаш;

қишда сақлаш;

кўкаламзорлаштириш.

3. Автомобиль йўллари умуман тармоғи бўйича таъмирланиши керак бўлган автомобиль йўллари таъмирлаш ишлари ҳажми йўл кўтармаси ва қопламаси хизматининг амалдаги таъмирлашлараро муддатлари ҳисобга олинган ҳолда йўллар ва йўл иншоотларининг ҳолатини техник текшириш (ташхис ва баҳолаш) натижалари асосида белгиланади.

4. У ёки бу турда таъмирланиши керак бўлган аниқ бир йўл ва автомобиль йўллари участкалари бўйича ишлар ҳажми ҳамда уларни бажариш муддатлари таъмирлашнинг тегишли турларини тайинлаш учун белгиланган мезонлар билан биргаликда автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг амалдаги ҳолатини таққослаш йўли билан аниқланади.

Таъмирлашнинг талаб этиладиган тури, ҳар бир автомобиль йўли ва унинг участкасини таъмирлаш бўйича ишлар таркиби ва ҳажми уларнинг амалдаги ҳолатини техник текшириш (ташхис ва баҳолаш), муҳандислик изланишлари, синовлар ва текширишлар натижалари асосида ушбу ҳолатни таъмирлашнинг тегишли турини тайинлаш мезонлари билан қиёслаш имконини берадиган ҳажмда белгиланади.

5. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг баланс қийматига киритилган бинолар ва қўшимча иншоотларни, йўл хизмати биноларини ва ишлаб чиқариш базаси иншоотларини таъмирлаш белгиланган тартибда ишлаб чиқиладиган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ алоҳида топшириқлар бўйича амалга оширилади.

### II. Асосий терминлар ва тарифлар

6. Мазкур Таснифда қуйидаги терминлар ва тарифлардан фойдаланилган:  
**йўл иншоотлари** — автомобиль йўллари таъмирлашнинг конструктив элементлари ҳисоб-

ланган иншоотлар: йўл-фойдаланиш ташкилотининг балансидаги сунъий иншоотлар (кўприклар, йўл ўтказгичлар, эстакадалар, қувурлар, тоннеллар), ҳимоя иншоотлари (қордан ҳимоя қиладиган дарахтзорлар, шовқиндан ва шамолдан ҳимоя қиладиган қурилмалар, йўлларни қор кўчкилари, бархан қумлари, ўпирилиш, силжишдан ҳимоя қиладиган қурилмалар), автомобиль йўлларини жиҳозлаш элементлари (тўхташ майдончалари ва йўловчилар учун павильонлар, дам олиш майдончалари, автомобилларнинг тўхташи ва тўхтаб туриши учун махсус майдончалар, I гуруҳ тўсиқлар, йўналтирувчи устунчалар), бинолар ва ёрдамчи иншоотлар (йўл-таъмирлаш пунктлари, таъмирловчининг уйи, асфальт-бетон цехлар, цемент-бетон цехлар, ишлаб чиқариш базалари):

**автомобиль йўлларининг истеъмол хоссалари** — автомобиль йўлларининг фойдаланувчиларнинг манфаатларига бевосита жавоб берадиган транспорт-фойдаланиш кўрсаткичлари мажмуи. Истеъмол хоссаларига қуйидагилар киради: ҳаракатнинг тезлиги, узлуксизлиги, хавфсизлиги ва қулайлиги, транспорт воситаларини ўтказиш имконияти ва ҳаракатланиш даражаси, ўқиға тушадиган оғирлиги, юкламаси, умумий массаси ва габаритлар билан автомобиль йўлларида ҳаракатланиш учун рухсат берилган автомобиллар ва автопоездларни ўтказиш имконияти, экологик хавфсизлик, эстетик ва бошқа хоссалар;

**автомобиль йўлларини мукамал таъмирлаш** — автомобиль йўлларининг ишончлилиги ва қулайлигини таъминлашга қаратилган фойдаланиш кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида тиклашга оид таъмирлаш-қурилиш ишлари мажмуи. Бунда йўл тўшамаси ва қопламаси, ер кўтармаси ва йўл иншоотларининг иш имкониятини тиклаш ва ошириш ишлари бажарилади, эскирган конструкциялар ва деталлар алмаштирилади ёки улар мустаҳкамроқ, чидамли ва тежамли конструкциялар ва деталлар билан алмаштирилади, зарур ҳолларда таъмирланаётган автомобиль йўли учун белгиланган тоифага тўғри келадиган нормалар доирасидаги ҳаракат жадаллиги ва автомобиллар ўқиға тушадиган оғирликлар ўсиб боришини ҳисобга олган ҳолда йўлнинг асосий узунлигидаги ер кўтармасини кенгайтирмасдан автомобиль йўлининг геометрик параметрлари (режаси, бўйлама кесими ва шу кабилар) оширилади;

**автомобиль йўлларини ўртача таъмирлаш** — автомобиль йўлларининг айрим участкалари ва элементлари ишончлилиги ва қулайлигини таъминлашга йўналтирилган фойдаланиш кўрсаткичларини яхшилаш мақсадидаги тиклаш бўйича комплекс таъмирлаш-қурилиш ишлари. Бунда эскирган қоплама қисман қоплаш, унинг текислигини ва илашиш сифатларини тиклаш ва яхшилаш, йўл қопламаси, ер кўтармаси, йўл иншоотлари, автомобиль йўлларини жиҳозлаш ва ободонлаштириш, ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш ва таъминлаш элементларининг барча бузилишлари ва шикастланишларини бартараф этиш ишлари амалга оширилади;

**автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш** — автомобиль йўлининг бутун узунлигида йил мобайнида амалга ошириладиган автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг майда шикастланишлари олдини олиш ва тузатиш йўли билан амалга ошириладиган фойдаланиш кўрсаткичларини сақлаш бўйича комплекс таъмирлаш ишлари;

**автомобиль йўлларини сақлаш** — автомобиль йўллари ва йўл иншоотлари элементларини соз ҳолатда сақлаш, шунингдек автомобиль йўлининг бутун узунлигида йил мобайнида бажариладиган автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг техник қурилмалари иш режимлари бўйича комплекс ишлар, йўл, йўл иншоотлари ва ажратилган минтақага қараш, доимий равишда пайдо бўладиган майда шикастланишларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, ҳаракат хавфсизлигини таш-

кил этиш ва таъминлаш, шунингдек автомобиль йўлларини қишда сақлаш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комплекс ишлар;

**автомобиль йўлларини қишда сақлаш** — автомобиль йўллари ва йўл иншоотлари элементларини соз ҳолатда сақлаш, шунингдек автомобиль йўлининг бутун узунлигида қиш даври мобайнида бажариладиган автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг иш режимлари бўйича комплекс ишлар, автомобиль йўлларини қиш даврида қор қатламлари, уюмлари ва кўчкиларидан химоя қилиш, қордан тозалаш, қишки сирпанчиқ пайдо бўлишининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ҳамда музгарчиликка қарши курашиш бўйича ишлар ва тадбирлар;

**автомобиль йўлларини кўкаламзорлаштириш** — ажратилган минтақада қор ва қум уюмларидан, шамол ва сув эрозиясидан химоя қилиш, автомобиль йўлларини эстетик безаш учун зарур бўлган йўл тасмасида дарахтзорлар барпо этиш ва ўт экиш ишлари ҳамда кўкаламзорлаштириш элементларини парвариш қилиш ишлари;

**техник текшириш** — автомобиль йўлларининг фойдаланиш сифатларини, таъмирлаш мақсадга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида автомобиль йўллари ва йўл иншоотлари элементларини назорат қилиш, синаш, таҳлил қилиш ва баҳолашни ўз ичига оладиган жараён;

**автомобиль йўлларини техник кўздан кечириш** — мавсумий (баҳор ва куз даврлари) ўтказилади, унинг натижалари бўйича ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш, автомобиль йўлларининг транспорт-фойдаланиш сифатларини ошириш ва унинг геометрик элементларини ва йўл иншоотларини яхшилаш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирларнинг тўлиқ рўйхати ишлаб чиқилади;

**автомобиль йўллари ташхиси** — автомобиль йўллари ҳолати бўйича ахборот тўплаш тизимида асосий элемент ҳисобланади ҳамда кўриб чиқиладиган даврда автомобиль йўлларининг техник ҳолатини аниқлашни, муайян давр ўтгандан кейин автомобиль йўли қандай техник ҳолатда бўлишини прогнозлаштиришни, автомобиль йўлларига у ёки бу нуқсонлар келиб чиқишининг бирламчи сабабларини аниқлашни ўз ичига олади.

### III. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини мукамал таъмирлаш

7. Мукамал таъмирлаш белгиланган тартибда ишлаб чиқилган, давлат экспертизасидан ўтган ва тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ бажарилади, ва, қоидага кўра, йўлнинг таъмирланаётган участкаси бутун узунлигида автомобиль йўлининг барча иншоотлари ва элементлари бўйича комплекс тарзда амалга оширилиши керак.

8. Мукамал таъмирлашнинг вазифаси автомобиль йўлининг эскирган конструктив элементлари ва деталларини тўлиқ тиклаш ҳамда алмаштириш, шунингдек транспорт-фойдаланиш сифатларини мазкур тоифадаги автомобиль йўли учун тегишли ҳисоблаб чиқарилган ҳаракат жадаллигида навбатдаги мукамал таъмирлашга бўлган даврдаги истеъмол хоссаларига қўйиладиган норматив талабларни таъминлашга имкон берадиган даражага кўтаришдан иборат. Ҳаракат жадаллиги мазкур тоифадаги йўл учун белгиланган нормадан ошиб кетган тақдирда автомобиль йўли янада юқори тоифага ўтказилиб, реконструкция қилиниши лозим.

9. Техник текшириш натижалари бўйича аниқланган автомобиль йўлларининг транспорт-фойдаланиш ҳолати мукамал таъмирлашни тайинлаш учун мезон ҳисобланади. Бунда йўл тўшамасининг мустаҳкамлиги чекланган қийматгача пасайган

бўлади ёки автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг бошқа элементлари параметрлари ва тавсифлари ортиб кетган ҳаракат талабларига шу қадар жавоб бермайдигани, уларни сақлаш ишлари воситасида кўрсатилган талабларга мувофиқ келадиган ҳолатга келтириш мумкин бўлмайдигани ёки бу иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас.

Автомобиль йўллари ҳамда йўл иншоотларининг алоҳида участкалари ва элементларини тегишлича асослаган ҳолда танлаб мукамал таъмирлашга йўл қўйилди.

Енгиб бўлмайдиган кучга эга ҳолатлар (табiiй ва техноген хусусиятга эга бўлган фавқулодда вазиятлар, ҳарбий тузилмаларнинг қайта жойлаштирилиши) натижасида бузилган автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини мукамал таъмирлашни белгиланган тартибда нуқсонлар қайдномаси ва ижро сметалари бўйича бажаришга рухсат берилди.

10. Мукамал таъмирлаш бўйича харажатлар таркибига, таъмирлаш ишлари харажатларидан ташқари, таъмирлаш ўтказилиши даврида таъмирланаётган участкада жойлашган йўллар ва йўл иншоотлари элементларини мукамал таъмирлаш ишлари ҳажмига киритилмаган сақлаш харажатлари киритилади.

11. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини мукамал таъмирлашга қуйидаги ишлар тегишлидир:

а) ер кўтармаси ва сув кетказиш бўйича:

айрим участкалардаги ер кўтармасини унинг геометрик параметрларини таъмирланаётган йўл учун белгиланган тоифага тўғри келадиган нормаларгача созлаш ва тузатиш (бўйлама қияликларни юмшатиш, режада ва бўйлама кесимда кўринишни таъминлаш, вертикал ва горизонтал эгри радиусларни катталаштириш, виражлар ўрнатиш), автомобиль йўлининг айрим участкаларини таъмирланаётган автомобиль йўли умумий узунлигининг 25 фоизигача бўлган доирада тўғрилаш, қабарикли, кўчки тушган участкаларни қайта қуриш, дренажлар, қуриштириш зовурлари, қирғоқни ҳимоя қиладиган ва эрозияга қарши иншоотлар, сув чиқариш қудуқлари, ёмғир канализацияси, изоляцияловчи юпка қатламларни қуриш ва ер кўтармасининг чидамлилигини таъминлайдиган бошқа ишларни бажариш;

автомобиль йўлларининг кесишиш ва тутатиш жойларида ер кўтармаси ва сув кетказиш тизимини қуриш ҳамда бекатлар, дам олиш майдончалари, автомобиль тўхташ жойлари, йўлкалар, пиёдалар ва велосипедчилар йўлкалари, алоҳида кесиб ўтиш жойлари, чиқиш йўллари, йўлларнинг қатнов қисмидан ташқарида бўлган йўл-таъмирлаш хизмати объектлари ва тарихий жойларга бориш йўлларини қуриш;

мукамал таъмирлаш бўйича ишларни таъминлаш учун зарур бўлган ерларни доимий ёки вақтинча фойдаланиш учун ажратиш;

йўлларни мукамал таъмирлаш ишлари ҳудудидаги эски йўл бўлақларини йўқотиш ҳамда йўл зонасидаги захира майдонларни рекультивация қилиш;

б) йўл тўшамаси бўйича:

йўл тўшамасини кенгайтириш (бир тасмадан ортиқ бўлмаган кенгликда) ва йўл четини таъмирланаётган автомобиль йўлининг тоифасига тўғри келадиган нормаларга етказиш, бўйлама ва кўндаланг нотекисликларни тузатган, асосига ва қопламасига қўшимча текисловчи қатлам ётқизган ҳолда кучайтириш (қалинлаштириш);

асос сифатида мавжуд йўл тўшамаларидан фойдаланган ҳолда қопламаларнинг янада мукамаллашган турларини қуриш, эскирган цемент-бетон ва асфальт-бетон қопламаларни қайта қоплаш, такомиллаштирилган қопламаларнинг четлари бўйлаб мустаҳкамловчи тасмаларни ва бордюларни тиклаш ҳамда қайта қуриш;

ер кўтармасини тўғрилаш ва қайта қуриш жойларида, кесишма ва туташмалар-

да, қайрилиш майдончаларида, йўлкаларда, пиёдалар ва велосипедчилар йўлкаларида, алоҳида кесиб ўтиш жойларида, чиқиш йўлларида, йўл-таъмирлаш хизмати объектларига бориш йўлларида, таъмирланаётган автомобиль йўлларининг айланиб ўтиш жойларида йўл тўшамаларини янгидан қуриш;

в) сунъий иншоотлар бўйича:

қатнов қисмини тўлиқ ёки қисман қайта қуриш, кенгайтириш ва кўприклар ҳамда йўл ўтказгичларнинг, уларнинг габаритлари ва ҳисоблаб чиқилган оғирликларини тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ таъмирланаётган автомобиль йўли учун белгиланган техник тоифага тўғри келадиган нормаларга етказган ҳолда кучайтириш;

нуқсонли ёки эскириб қолган таянчлар ёки оралик қурилмаларнинг барчасини ёки бир қисмини янгиларига тўлиқ алмаштириш, плиталарни кучайтирган ҳолда кўприк кўтармаси элементларини алмаштириш, сув ўтказиш қувурларини қайта қуриш ёки алмаштириш, барча ёки битта пўлат-темир-бетон (пўлат) оралик қурилмалардаги плиталар (тўшама)ни алмаштириш, кўприкоти габаритини кесишадиган тўсиқнинг (автомобиль йўллари, темир йўллари) тегишли синфи учун талаб қилинадиган катталиқкача ошириш;

тахламдаги подферменниклар ва алоҳида блокларни алмаштириш, таянчлар юзасини торкретирлаш, ригеллар ва устунлар қисмларини тиклаш, таянчларнинг айрим элементларини кучайтириш, кўрик ўтказиш ва таъмирлаш учун таянчлар ўрнатиш;

оралик қурилмаларни кўтарган ҳолда таянч қисмларни алмаштириш ёки тўғри-лаш;

тиргак деворлари, кўчкига қарши галереялар, кўтармаларни қуриш ва уларни тиклаш, мустаҳкамловчи ва тартибга солиш иншоотларини қуриш, химоя қурилмаларини (кўтарма ғов, шпор, дамбалар ва хоказолар) тиклаш ёки қуриш;

қўшимча вентиляция штольнялари ва шахталарни қуриш, шунингдек тоннелларнинг электр ёритиш, иситиш, ёнғинни ўчириш тизимларини ўрнатиш, пардозлашни назарда тутган ҳолда тоннелларни тиклаш;

мукамал таъмирлангандан кейин паспорт тузган ҳолда кўприк иншоотларини текшириш ва синаш;

оралик қурилмаларнинг айрим кўтариб турувчи элементларини кучайтириш ёки алмаштириш ёки уларга қўшимча қилиш;

г) бинолар ва ёрдамчи иншоотлар бўйича:

биноларнинг ички тузилишини ўзгартириш ва таъмирланаётган бинолар баланс қийматининг 40 фоизидан ошмайдиган таъмирлаш ишларининг айрим турларини бажариш;

мавжуд бино қийматининг 25%идан ошмаган ҳолда ёрдамчи бинолар ва иншоотлар (устахоналар, саройлар, омборлар, қудуқлар, ошхоналар, буғ қозонхонаси, ҳовли майдонидаги муҳандислик тармоқлари, тозалаш иншоотлари) ҳамда объект атрофини ободонлаштириш деворларини қуриш;

йўлларни таъмирлаш ва сақлаш ишлари учун зарур бўлган ишлаб чиқариш бинолари ва ёрдамчи иншоотларни, вақтинчалик иншоотларни ҳам киритган ҳолда, вақтинчалик бино ва иншоотлар учун мўлжалланган смета баҳоси доирасида (битум ва эмульсияли базалар, музгарчиликка қарши материалларни сақлаш ва қайта ишлаш базалари, тош майдалаш ва саралаш базалари, асфальт-бетон ва цемент-бетон қориштириш қурилмалари, базалари, трассаолди конларининг бино ва иншоотлари, қурилиш ашёлари омборлари, катта кўприкларни қўриқлаш базалари, йўл-таъмирлаш пунктлари) қуриш;

автомобиль йўлларини мукамал таъмирлаш бўйича ишлар қилинадиган жой-



ларда йўл хизмати ишчиларини жойлаштириш мақсадида вақтинчалик бино ва иншоотларга мўлжалланган маблағлар ҳисобидан улар кейинчалик яшайдиган доимий турар жойларни қуриш. Ҳар йили вақтинчалик бино ва иншоотларга (вақтинчалик ўрнига доимий турар жойларни қуришни ҳисобга олган ҳолда) сарфланадиган харажатлар тегишли йўлдан фойдаланиш хизмат идораси учун белгиланган мукамал таъмирлаш бўйича йиллик иш ҳажмининг 5%идан ошмаслиги керак. Жойлардаги автомобиль йўллари давлат бошқаруви органлари, зарурият бўлганда, кўрсатиб ўтилган маблағларни жамлашлари ҳамда улардан белгиланган тартибда юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадларда фойдаланишлари мумкин;

д) автомобиль йўлларини жиҳозлаш, ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш ва таъминлаш бўйича:

автобус бекатларида янги тўхташ ва чиқиб-тушиш майдончалари ва автопавильонларни, ҳаракат қатнашчиларининг дам олиши учун жиҳозланган автомобилларнинг тўхташи ва тўхтаб туриши учун мўлжалланган майдончаларни, шунингдек пиёдалар ўтиш жойларини (жумладан, турли сатҳларда) қуриш ва мавжудларини таъмирлаш;

аҳоли пунктларидан ўтадиган автомобиль йўллари участкаларида йўлқалар, шовқиндан ҳимоя қилиш иншоотлари ва пиёдалар (велосипедчилар) йўлқалари, транспортларни текшириш чуқурлари, ҳожатхоналар ва эстакадаларни қуриш;

янги тўсувчи тўсиқлар, йўналтирувчи мосламалар ва йўл белгиларини ўрнатиш ва мавжудларини қайта ўрнатиш, йўллар мукамал таъмирлангандан кейин бутун автомобиль йўлида ёки унинг участкаларида доимий ётиқ йўл белгиларини чизиш;

тезликни ўзгартириш тасмалари ва ажратувчи оролчалар, шунингдек тик қўтарилиш жойларида секин юрадиган транспорт учун қўшимча тасмалар ва узоқ чўзиладиган нишабликларда тутиб турадиган аварияли камгаклар ўрнатиш;

бир ва турли сатҳдаги мавжуд кесишма ва туташмаларни такомиллаштириб қайта қуриш ҳамда янгиларини қуриш, турли сатҳлардаги мавжуд кесишма ва туташмаларда параметрларни яхшилаш ҳамда қўшимча виражлар, кириш ва чиқиш йўлларини қуриш, автомобиль йўлларининг айрим участкаларида, кўприклар, йўл ўтказгичлар, тоннелларда электр ёритиш мосламаларини ўрнатиш, линияли радио алоқаси ва технологик ҳамда сигнал бериш-чақириш алоқасининг бошқа воситаларини, кабель тармоқларини ўрнатиш;

автомобиль йўлларининг автомобиль йўллари ва темир йўллар билан кесишган жойларида ҳаракатни ташкил этиш ва тартибга солишнинг янги воситаларини ўрнатиш (монтаж қилиш) ва мавжудларини қайта ўрнатиш;

масофадан туриб бошқариладиган белгиларни ва ахборот алмашиб туриладиган таблоларни, светофорларни, автоматика ва телемеханика тизимларини қўлланган ҳолда йўлларнинг ҳолати ва ҳаракат шароитлари мониторинги, диспетчерлик ва автоматлаштирилган ҳаракатни бошқариш тизимлари учун жиҳозлар ва ҳисобга олиш пунктини қуриш;

қорни ўлчаш, сувни ўлчаш постлари ва бошқа постларни қуриш.

12. Мукамал таъмирлаш бўйича бошқа ишлар:

таъмирлаш ишларини бажариш учун тупроқ захиралари ва маҳаллий тош материаллари конларини қидириш ва ўзлаштириш, кесиб ўтиш йўллари, ишлаб чиқариш базалари ва конларга, электр билан таъминлаш учун юқори вольтли электр узатиш линияларига олиб борадиган йўлларини, боши берк темир йўлларини қуриш;

йўл-қурилиш материалларини вақтинча сақлаш учун майдончалар қуриш, таъмирланаётган участкаларни вақтинча айланиб ўтиш йўллари қуриш, шунингдек

табiiй офатлар натижасида бузилган автомобиль йўллари участкаларини айланиб ўтиш йўлларини тугатиш, табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари, вақтинча ажратилган минтақани рекултивация қилиш, илгари конлар, захиралар, айланиб ўтиш йўллари, автомобиль йўлларининг зарур бўлмаган участкалари, йўл иншоотлари, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқалар учун банд қилинган ерларни рекултивация қилиш;

автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини мукамал таъмирлашга лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, ер ажратиш, иморатларни бузиш ва дов-дарахтлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан уларни экспертизадан ўтказиш;

лойиҳага муҳандислик ва илмий-техник ишланмаларни илова қилиш.

#### IV. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини ўртача таъмирлаш

13. Таъмирланаётган автомобиль йўлининг айрим участкаларида (йўлнинг икки қисми ўртасидаги оралиқ масофада — перегонларда) йўл қопламасининг эскирган юқори қатламини вақти-вақти билан ва қисман қоплаш ҳамда автомобиль йўлининг айрим участкалари ва айрим йўл иншоотларининг дастлабки фойдаланиш сифатларини сақлаш, қопламанинг раволигини сақлаш, ер кўтармаси, тоннеллар, сув қочиргичлар, сунъий, химоялаш, мустаҳкамлаш ва тартибга солиш иншоотлари, йўл жиҳозлари, дам олиш жойлари ва тарихий ёдгорликларга бориш йўллари, чиқиш ва кесиб ўтиш йўллари ҳамда автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг бошқа конструктив элементларининг шикастланган жойларини сошлаш, шунингдек тошқин ва муз кўчиши даврида уларни бузилишдан сақлайдиган профилактика ишларини бажариш ўртача таъмирлашнинг вазифалари ҳисобланади.

14. Йўл қопламасининг раволиги ва тишлашиш сифатлари чекланган (йўл қўйиладиган) қийматгача пасайиб кетганда ёки автомобиль йўли ва йўл иншоотларининг бошқа элементларида автомобиль йўлини жорий таъмирлаш ишлари билан бартараф этиш мумкин бўлмаган ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган бузилиш ва емирилишлар жамланиб қолган ҳолларда йўл қопламасини техник текшириш ва техник кўздан кечириш натижалари автомобиль йўлларини ўртача таъмирлаш учун мезон ҳисобланади.

15. Ўртача таъмирлаш техник текшириш ва техник кўздан кечириш натижалари асосида белгиланган тартибда ишлаб чиқилган, давлат экспертизасидан ўтган ва тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ амалдаги таъмирлашлараро муддатларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

Ҳажми техник ҳисоб-китоблар ва муҳандислик изланишларини талаб этмайдиган ишларнинг айрим турларини бажаришда ўртача таъмирлаш ишларини автомобиль йўлларини техник текшириш ва техник кўздан кечириш натижалари ёки нуқсонлар қайдномалари асосида тузилган ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланган смета ҳужжатлари бўйича амалга оширишга йўл қўйилади.

16. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини ўртача таъмирлашга қуйидаги ишлар қиради:

а) ер кўтармаси ва сув кетказиш бўйича:

сув ювиб кетган ва емирилган участкаларни, шу жумладан гирдоб ва ўпирилиш ходисалари оқибатида емирилган участкаларни тиклаш, кўчки тушган, ўпирилган ва сел олган жойларни тозалаш;

ўйма ва кўтармалар қияликларининг тиклигини камайтириш, барқарор чим қопламасини яратиш бўйича зарур агротехника тадбирларини ўтказган ҳолда ер



кўтармаси ва захираларининг қияликларига ўт экиш, ер кўтармасининг барқарорлигини таъминлайдиган мустаҳкамлаш ва бошқа ишлар;

зах (нам) жойларда унча катта узунликда бўлмаган ер кўтармасини кўтариш, унча катта бўлмаган ўпирилган участкаларни тугатиш, аккумуляция полкалари қуриш, олиб ташланадиган қорни жойлаштириш учун ва режадаги эгрларда кўришни таъминлаш учун ўймалар нишаблиklarини қирқиш, қияликларини сув ювишидан ҳимоя қилиш ва четдан келадиган қорни ушлаб қолиш учун тупроқли кўтармалар, банкетлар ва бермаларни қуриш;

кесишма ва туташмаларда, тўхташ майдончаларида, автомобиль турар жойларида, йўл-таъмирлаш хизмати объектларига, диққатга сазовор жойларга бориш йўлларида ер тасмаси ва сув кетказиш тизимларини тиклаш;

мавжуд сув кетказишнинг зовурларини ялпи тозалаш ва янгиларини қазиш, сув емириб кетиши мумкин бўлган участкаларда уларнинг деворини ва тубини мустаҳкамлаш;

дренаж, ҳимояловчи ва мустаҳкамловчи қурилмалар, сув кетказиш новлари, кўприк ва қувурларнинг сув кириш ва чиқиш ўзанлари, ёмғир канализацияси, сув қудуқлари носозликларини тузатиш, қирғоқни ҳимоялаш ва эрозияга қарши қурилмаларни тиклаш;

йўл четларини тўлдириш, кесиш ва мустаҳкамлаш;

б) йўл тўшамаси бўйича:

талаб қилинадиган текислик ва ғадир-будирликни таъминлаган ҳолда йўл қопламасининг эскирган устки қатламларини тиклаш, эски қопламадан такроран фойдаланишни таъминлайдиган усуллар ёрдамида қопламани тиклаш;

барча турдаги йўл тўшамасига устки ишлов бериш, ҳимоя қатламлари ва емирилиш қатламларини қуриш, йўлнинг қатнов қисмида 150 метргача узунликда қопламани картасимон таъмирлаш;

устки фрезерлаш, қопламанинг янги қатламини ётқизиш ёки устки ишлов бериш усуллари билан 45 миллиметргача бўлган чуқурликдаги ғилдирак изларини ва бошқа нотекисликларни тузатиш;

ғилдирак изларини қора чақир тош ёки асфальт-бетон билан тўлдирган ва қопламанинг бутун кенглигида эмульсияли-минерал аралашмадан ҳимоялаш қатламини ётқазган ҳолда икки қатламли эмульсияли-минерал аралашмани ётқизиш ёки ғилдирак изи нотекисликларини устки ишлов бериш, қисман фрезерлаш ёки қиррани текислаш йўли билан 30 миллиметргача чуқурликдаги ғилдирак изларини йўқотиш;

такомиллаштирилган қопламаларнинг четларига бордюрлар ўрнатиш ва тиклаш, мустаҳкамлаш тасмалари ва йўл четларини фрезерлаш ва битум-минерал аралашмалардан қопламалар ётқизиш;

плиталарни алмаштириш, кўтариш ва текислаш, цемент-бетон қопламаларда бўйлама ёки кўндаланг ариқчаларни кесиб чиқиш;

чақиқ тошли, шағалли ва тупроқли яхшиланган автомобиль йўлларининг кесими тиклаш ва ижро ҳужжатларига мувофиқ ҳар бир километрга ўртача 500 куб метргача шағал ёки чақиқ тош тўккан ҳолда кучайтириш;

асфальт-бетон ва цемент-бетон қопламаларнинг кўчиб кетган ва уваланган участкаларда эмульсияли-минерал аралашмалардан ҳимоя қатламларини ётқизиш;

асфальт-бетон қопламаларнинг эскирган устки қатламларини тиклаш ва автомобиль йўлларининг унча катта бўлмаган айрим участкаларида қопламанинг янги қатламини ётқизиш;

в) сунъий иншоотлар бўйича:

янги сув ўтказиш қувурларини қуриш ёки уларнинг ҳисоблаб чиқилган оғирликлари ва габаритларини тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ таъмирланаётган автомобиль йўли учун белгиланган техник тоифага тўғри келадиган нормаларига етказиб, уларни тўлиқ ёки қисман қайта қуриш;

бошқарувчи қурилмалар кўтармалари конусларини тиклаш, бузилган чокларни, кўчма плиталарни, сув кетказиш тизимларини, таянч ва кўприк кўтармасининг айрим элементларини, тўсиқлар, панжаралар ва йўлкаларни тиклаш;

кўприклар ва йўл ўтказгичларнинг элементларини бўяш, суваш, чириш ва емирилишга қарши химоя чораларини кўриш;

сув ўтказиш қувурларининг айрим бўғинларини ва каллакларини узайтириш, алмаштириш, қувурларнинг химоя қатлами ва туташган жойларини тўғрилаш;

тоннель қопламасини кучайтириш, қисман алмаштириш (25 фоизгача), гидроизоляцияни, вентиляция, иситиш, ёритиш тизимларини, штольня (ер ости йўли)ни ҳамда тоннелларда ёнғинни ўчириш тизимини сув билан таъминлаш учун қудуқларни тиклаш ва ерости сувларидан химоя қилиш, порталларни кучайтириш, сув кетказиш новларини ва ҳоказоларни тиклаган (алмаштирган) ҳолда йўл тўшамасини тиклаш, тиргак деворларни, галереяларни, кўтармаларни ҳамда бошқа химоялаш ва мустаҳкамлаш иншоотларни кучайтириш;

кўприк иншоотида ва кўтарма билан туташ жойларда сув кетказиш тизимларини ўрнатиш ёки уларни алмаштириш, оқова сувларни тозалаш қурилмаларини қуриш ёки тиклаш;

мустаҳкамловчи ва бошқарувчи иншоотларни қуриш, химоя иншоотлари (кўтарма ғов, шпорлар, дамбалар ва бошқалар)ни тиклаш ёки қуриш;

кўтарманинг емирилган участкаларини тиклаш ва қияликларни мустаҳкамлаш, конусни мустаҳкамлаш учун тиргакни тиклаш ва бошқарувчи иншоотларда кирғоқни мустаҳкамлаш ишлари;

г) автомобиль йўлларини жиҳозлаш, ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш ва таъминлаш бўйича:

етишмаётган йўл белгиларини тиклаш ва янгидан ўрнатиш ҳамда йўлнинг қатнов қисмининг горизонтал йўл белгиларини чизиш, шунингдек яқка тартибдаги лойиҳалаш таблосини тиклаш ва ўрнатиш;

тўхташ, бекат майдончалари қуриш ва мавжудларини тиклаш, автобус бекатларида автопавильонлар, ҳожатхоналар, автомобилларнинг тўхташ ва тўхтаб туриш майдончалари, пиёдалар ўтиш жойлари ҳамда йўлкалар, пиёдалар ва велосипедчилар йўлкалари, аҳоли пунктларидан ўтадиган йўл участкаларида шовқиндан химоя қилиш қурилмаларини қуриш ва уларни таъмирлаш;

айрим тўсиқлар ва йўналтирувчи қурилмаларни ўрнатиш ҳамда айрим конструктив элементларини алмаштирган ҳолда уларни таъмирлаш;

ҳаракатни диспетчер орқали ва автоматлаштирилган бошқариш элементлари ва тизимларини ўрнатиш, тиклаш ва такомиллаштириш, автоном ва масофадан туриб бошқариладиган белгиларни ва ахборот алмашиб турадиган таблони, светофор объектларини янгидан ўрнатиш ва мавжудларини тиклаш;

ҳаракат учун хавфли автомобиль йўлларида горизонтал эгриларда виражлар қуриш;

автомобиль йўллари ва уларнинг айрим участкалари, йўл ечимлари, дам олиш майдончаларини, автобус бекатлари, кузатиш майдончалари ва бошқа объектларни меъморий-бадий безаш, жиҳозлаш ва ободонлаштириш;

автомобиль йўлларининг айрим участкаларида, кўприклар, йўл ўтказгичлар ва тоннелларда электр ёритгичларни таъмирлаш ва тиклаш;

йўл радио алоқаси ҳамда технологик ва сигнал берувчи-чақирувчи алоқани таъмирлаш ва тиклаш, кабель тармоғини тиклаш;

таъмирлаш даврида вақтинчалик ётиқ йўл белгилари чизиш, вақтинчалик ётиқ йўл белгиларини ўчириш ва доимий горизонтал ва вертикал ётиқ автомобиль йўл белгиларини чизиш.

17. Ўртача таъмирлаш бўйича бошқа ишлар:

автомобиль йўлларининг таъмирланаётган участкаларида вақтинчалик айланиб ўтиш йўлларини қуриш ва уларни тугатиш;

материалларни сақлаш ва ерни рекультивация қилиш учун майдончалар қуриш;

кўприк иншоотларини лойихадан олдин текшириш, автомобиль йўллари ва бошқа йўл иншоотларининг ташхиси ва ҳолатини баҳолаш ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларини ва таъмирлаш бўйича энг мураккаб ишларнинг муҳандислик ишланмасини ишлаб чиқиш.

#### **V. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини жорий таъмирлаш**

18. Жорий таъмирлашнинг вазифаси — йўлнинг қатнов қисми, ер кўтармаси, сув кетказиш тизими, сунъий, мустаҳкамловчи, ҳимоялаш, бошқарувчи иншоотлар, паром кечувлари, тоннеллар, йўл жиҳозлари, дам олиш жойлари ва тарихий ёдгорликларга бориш йўллари, кесиб ўтиш ва чиқиш йўлларида фойдаланиш жараёнида доимий равишда пайдо бўладиган майда шикастланишларни бартараф этиш, автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг конструктив элементларини тартибли сақлаш ҳамда тошқинлар ва муз кўчиши даврида улар емирилишининг олдини оладиган профилактика ишларини бажаришдир.

Жорий таъмирлаш, қоидага кўра, автомобиль йўлининг бутун узунлигида доимий равишда бажарилади ҳамда йўл-фойдаланиш ташкилотининг таъмирловчи ходимлари томонидан амалга оширилади.

19. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини жорий таъмирлаш вақти-вақти билан ўтказиладиган техник кўриклар (баҳорги ва кузги) натижалари асосида жорий таъмирлаш сметаларида назарда тутилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

20. Унча аҳамиятли бўлмаган ва осон бартараф этиладиган шикастланишлар аниқланган йўл қопламаси ва йўл иншоотларининг ҳолатини техник кўздан кечириш натижалари автомобиль йўлларини жорий таъмирлашни тайинлаш учун мезон ҳисобланади.

21. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини жорий таъмирлашга қуйидаги ишлар киради:

а) ер кўтармаси ва сув кетказиш тизими бўйича:

ер кўтармаси, сув кетказиш тизими, захиралар, ҳимоялаш, мустаҳкамлаш ва бошқариш иншоотларининг айрим майда шикастланишларини тузатиш;

ўт экиб, тупроқ тўкиб ва қирқиб қияликлар, кўтармалар ва ўймаларни қисман текислаш ва айрим участкаларнинг йўл четларини текислаш;

б) йўл тўшамаси бўйича:

цемент-бетон қопламаларда чокларни таъмирлаш ва тўлдириш;

барча турдаги қопламалардаги чуқурлар, ёриқлар, ўнқир-чўнқирлар, филдирак изларини тўлдириш, чўккан, ёрилган жойларни, йўл хошияларини, бордюрларни тузатиш, қора қопламали юзада ғадир-будурликни тиклаш;

чақиқ тош ва шағал қопламали, шу жумладан битум ва қатрон материаллар қопланган йўлларга тош ушоқлари ва майда шағал тўкиш;

йўлларни хлорли кальций, қатрон, битум ва бошқа материаллар билан чангсиз-лангириш;

айрим участкаларда қўшимча қўшмаган ҳолда тупроқли ва шағал автомобиль йўллари кесимини тўғрилаш;

автомобиль йўлларига ётиқ йўл белгиларини чизиш, иншоотларни бўяш, йўл четларидаги ва ажратилган тасмадаги ўтларни ўриб олиш;

в) сунъий иншоотлар бўйича:

иншоотлар айрим элементлари (панжара, тўшама, тиргак, кашак, тўсадиган деворлар ва дренаж қурилмалари)нинг унча катта бўлмаган шикастланишларини тузатиш;

тош деворларни таъмирлаш, суваш, михпарчинларни қисман алмаштириш, кўприклар ва йўл ўтказгичларнинг металл элементларини бўяш;

ариқлардан ўтиш кўприкчаларини алмаштириш ва тузатиш;

кўчма кўприклардаги, паром кечувларидаги, қирғоқда тўхташ жойларидаги унча катта бўлмаган бузилишларни тузатиш (очиқ жойларни битумланган арқонлар билан тўлдириш ва бошқалар);

тиргак деворлар ва парапетларнинг шикастланган жойларини таъмирлаш;

сув кетадиган қувурлар ва новларни ҳамда уларга туташ изоляцияни тузатиш, бузилган чоклар, йўлкалар, панжаралар ва тўсиқларнинг шикастланган жойларини тузатиш, кўприк иншооти кўтарма билан туташадиган зонани тиклаш ёки қайта қуриш, кўчма плиталарини қисман алмаштириш ёки уларнинг ҳолатини тузатиш;

кўприк кўтарма билан туташган зонада 10 сантиметргача чўкишларни тузатиш ҳамда оқишни тўхтатган ҳолда сув ўйиб кетган жойларни тузатиш, панжаралар ва тўсиқларни, шунингдек ёритиш устунларини яхлит бўяш, кўприк иншооти конструкциясига тегишли йўл белгиларини чизиш;

темир-бетон конструкцияларнинг нуқсонларини йўқотиш, шу жумладан юзани гидрофоблаш, плиталарнинг ғовак, синиқ ва ёриқ жойларини тузатиш, тешиқларини беркитиш, диафрагмаларнинг емирилишларини тузатиш, бўйлама чокларни яхлитлаш, оралиқ қурилмаларни яхлит бўяш;

қопламалар ва тўшамани қисман алмаштириш, сув чиқариш қувурлари ва новларни алмаштириш, кўприк кўтармаси қисмидаги изоляцияни тиклаш, кўприкда ва унга бориш жойларида сув чиқариш тизимини тиклаш, бузилган чокларни тузатиш ёки алмаштириш, йўлкалар, панжараларни кучайтириш ёки алмаштириш, тўсиқлар ўрнатиш ёки уларни алмаштириш;

телекузатиш, ёритиш, вентиляция, иситиш, ёнғинни автоматик ўчириш, алоқа, кичик станция, тоннелларнинг электр узатиш ва сув кетказиш линиялари (шу жумладан цементация) тизимининг ишдан чиққан айрим элементларини таъмирлаш ва алмаштириш;

г) бинолар ва ёрдамчи иншоотлар бўйича:

деворлар ва қопламалар материалларини 40 фоизгача алмаштирган ҳолда биноларнинг нуқсонлари ва шикастланишларини тузатиш, сувоқларни тўғрилаш ва тирқишларни таъмирлаш, тўсиқ, девор, пол, шифт, том, эшик, печ, қудук, сув қузури, канализация ва газ тармоғи, алоқа линияларининг айрим элементларини алмаштирган ҳолда бўяш, оқлаш, ойна қўйиш, таъмирлаш;

ишлаб чиқариш бинолари ва йўлдаги биноларнинг ташқи деворларини қисман тиклаш;

д) автомобиль йўлларини жиҳозлаш, ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш ва таъминлаш бўйича:

айрим ҳолатларда етишмаётган белгилар ва тўсиқларни ўрнатиш, шикастланишларни тузатиш, айрим носоз йўл белгилари ва тўсиқларни бўяш ва алмаштириш

ҳамда шийпончалар, ўриндиқларни ўрнатиш ва уларни таъмирлаш, панноларни ўрнатиш ва таъмирлаш;

ободонлаштириш ва меъморий безаш элементларидаги, шунингдек муҳофаза-ловчи ва огоҳлантирувчи қурилмалардаги носозликларини тузатиш;

кўринишни таъминлаш учун айрим дарахтларни олиб ташлаш ва дарахт шохларини кесиш;

автомобиль йўллари жиҳозлари ва элементларини бўяш, уларни озода ва тартибли сақлаш.

## VI. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини сақлаш

22. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини сақлаш вазифаси — йилнинг исталган вақтида узлуксиз ва хавфсиз автомобиль ҳаракатини таъминлаш шартлари бўйича йўл қўйиладиган талабларга мувофиқ сақлашни таъминлайдиган уларга доимий қарашни таъминлашдан иборат.

23. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини сақлаш ишлари тасдиқланган сметаларга мувофиқ автомобиль йўлининг узунлигида бутун йил давомида унинг барча элементлари ва иншоотлари бўйича мунтазам равишда амалга оширилади.

24. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини сақлаш қўйидаги ишларни ўз ичига олади:

а) ер кўтармаси ва сув кетказиш тизими бўйича:

ажратилган минтақани, йўл четларини, нишабликларни ва ажратувчи тасмаларни мунтазам равишда озода ва тартибли сақлаш, чиқиндилардан ва бегона буюмлардан тозалаш, текислаш;

кесилган қолдиқларни йиғиштириб олган ҳолда ўтларни ўриб олиш ва буталарни кесиш, ножоиз ўсимликларни кимёвий усул билан йўқ қилиш, йўл четларини чанг ва ифлосликлардан тозалаш;

сув кетказиш тизимини мунтазам равишда иш ҳолатида сақлаш, йўл четидаги ариқларни ва сув кетадиган зовурларни тозалаш ва қиялаб текислаш, уларнинг мустаҳкамланган жойлари нуқсонларини тузатиш ёмғир канализацияси, дренаж қурилмалари, кўприк ва қувурларнинг сув кириш-чиқиш ўзанлари, тез оқар сув ўтказгичлар ва сув туширгичларнинг майда носозликларини бартараф этиш;

кўтарма ва ўймаларнинг нишабликлари носозликларини тузатиш ва текислаш (зарурият бўлса тупроқ қўшган ҳолда);

мустаҳкамланмаган йўл четларини қирқиш, текислаш ва зичлаш, мустаҳкамланган йўл четларидаги бузилишлар ва шикастланишларни бартараф этиш;

белгиланмаган жойлардаги кириш ва чиқиш жойларини тугатиш, ёзги трактор йўлларини қуриш ва қиялаб текислаш;

табiiй муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш чора-тадбирларини бажариш, автомобиль йўлларининг йўлолди тасмасини қуриш ва белгилаш;

б) йўл тўшамаси бўйича:

йўл қопламасини чиқинди, чанг ва ифлосликлардан, қор, муздан мунтазам равишда тозалаш, бегона буюмларни йиғиштириш, қум ва сирпанчикқа қарши аралашмалар сепиш йўли билан автомобиль йўлларининг қатнов қисми музгарчилиги ва сирпанчиклигини бартараф этиш, шунингдек битумнинг терлаши натижасида ҳосил бўлган сирпанчикликни бартараф этиш;

йўлларни чангсизлантириш;

кабарикли ва кучсиз тупроқли йўл участкаларига қараш (вақтинчалик тўсиш

ва ҳаракатни тартибга солиш, шчитлар, тахталар, шох-шаббалар ва бошқа материаллар билан ёпиш, шунингдек зарурияти бўлмаганда уларни йиғиштириб олиш);

локал карталар билан майда заррали юза қатлам воситасида ёриқлар ва ёриқларнинг тўрлари кучайишининг олдини олиш ва уларни тўхтатиш;

цемент-бетон қопламалар плиталарининг парчаланган ва синган жойларини юза емирилишлардан таъмирлаш;

шағалли, чақиқ тошли ва тупроқли қопламаларнинг кесимини тўғрилаш;

в) сунъий иншоотлар бўйича:

кўприк кўтармаси элементларини, фермаости майдончаларни, таянч қисмларни, оралик қурилмалар элементларини, тахта зиналарни, таянчлар, қувурлар, тоннеллар ва бошқа иншоотларни чанг ва ифлосликдан тозалаш;

конуслар, нишабликлар, кўприкости ўзанларни, шунингдек сув ўтказиш қувурларнинг ўзанларини ва қувурлар устидаги кўтармалар нишабини тозалаш (шу жумладан ўсимликлардан тозалаш);

тошқин сувларини ўтказиб юбориш, қор ва музни йиғиштириб олиш, тозалаш иншоотларига қараш ва уларга хизмат кўрсатиш, автомобиль йўллари ва иншоотларини сув тошқинидан ҳимоя қилиш, тикилиб қолган жойларни тозалаш, тошқинга қарши тадбирлар;

таянчлар ва оралик қурилмаларнинг металл конструкциялари элементларини қисман бўйаш, нуқсонли михпарчинларни алмаштириш, болтларни тортиш, металлдаги ёриқларни таъсир кўрсатмайдиган ҳолатга келтириш, тўсинларнинг темир-бетон плиталар билан бирлашадиган жойларини ва ферма боғламларини тиклаш;

тоннеллардан хавфсиз фойдаланиш учун локал участкаларда тоннелларнинг шикастланган қопламаларини ва сув кетказиш новлари, гидроизоляция, вентиляция ва ёритиш тизими, ёнғинни ўчириш, аварияга қарши ва бошқа техник қурилмалар шикастланишларини бартараф этиш;

кўприк кўтармасининг барча элементларини ҳамда кўтарма билан туташиб кетадиган зонани, фермаости майдончаларни, таянч қисмларни, оралик қурилмаларни, таянчларни, конуслар ва бошқарувчи иншоотларни, бориш жойлари ва тахта зиналарни қор ва муздан тозалаш;

г) автомобиль йўлларини жиҳозлаш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича:

белгиларга қараш, шикастланган йўл белгиларини алмаштириш ва етишмаётганларини янгидан ўрнатиш;

автобус бекатларини, пиёдалар ўтиш жойлари, дам олиш майдончалари, йўл белгилари учун конструкциялар, тўсиқлар, йўналтирувчи қурилмалар, шийпончалар ва уларнинг жиҳозлари элементлари, шунингдек шовқиндан ҳимоя қиладиган қурилмаларни бўйган ҳолда озода ва тартибли сақлаш, автомобиль йўлларини меъморий-бадий безашнинг шикастланган айрим элементларини тузатиш, ушбу элементларга керакли тарзда қараш, хожатхоналар, йўл-таъмирлаш пунктлари, йўл усталари уйлари тозалаш;

шийпончалар, ўриндиқлар, паннолар ва бошқаларни ўрнатиш ҳамда бўйган ҳолда озода ва тартибли сақлаш, ичимлик сув манбалари ва артезан қудуқлар қазиш, уларни озода ва тартибли сақлаш;

ҳаракатни ҳисобга олиш пунктларини сақлаш, тиклаш ва янгидан қуриш, йўл конструкциясининг ва автомобиль йўли ишини ўрганиш учун зарур бўлган бошқа қурилмаларнинг, автомобиль йўлининг алоҳида элементлари ва иншоотларининг ҳолатини баҳолаш;

автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг баланс қийматига киритилган тарозидан тортишни назорат қилиш пунктларини, сув ўлчаш постларини, метеоро-



логик пунктларни, об-ҳаво шароитлари ва ҳаракат шарт-шароитлари мониторинги тизимини, технологик ва сигнал берувчи-чақирувчи алоқани, кабель тармоғини, шунингдек светофор объектларини, ҳаракатни ташкил этиш воситаларини, ҳаракатни диспетчер орқали ва автоматлаштирилган бошқариш воситаларини сақлаш;

автомобиль йўллари ва йўл иншоотлари балансига киритилган йўлларни электр билан ёритиш линияларини, кўприклар, йўл ўтказгичлар, тоннеллар, транспорт ечимлари, паром кечувлари ва бошқа иншоотларни сақлаш, трансформаторларни тафтиш қилиш, ёритиш учун сарфланган электр энергиясига ҳақ тўлаш;

хизмат қилиш муддатини ўтаб бўлган вертикал ва горизонтал йўл белгиларини, шу жумладан сунъий иншоотлар элементларидаги йўл белгиларини ўчириш, эскирганларини тиклаш ва янгидан чизиш;

йўл тўсиқлари ва йўналтирувчи қурилмаларни тузатиш, автомобиль йўлини жиҳозлаш элементлари ва белгиларига қараш;

автобус бекатлари, павильонлар, йўлкалар ва дам олиш майдончаларини қор ва муздан доимий равишда тозалаш.

### **VII. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини қишда сақлаш**

25. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини қишда сақлашнинг вазифаси автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини йилнинг қиш даврида узлуксиз ва хавфсиз автомобиль ҳаракатини таъминлаш шартлари бўйича йўл қўйиладиган талабларга мувофиқ уларнинг ҳолатини доимий сақлашни таъминлашдан иборат.

26. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини қишда сақлаш ишлари тасдиқланган сметаларга мувофиқ бутун йил мобайнида автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг барча элементлари ва иншоотлари бўйича автомобиль йўлининг бутун узунлигида мунтазам равишда амалга оширилади.

27. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини қишда сақлашга қуйидаги ишлар қиради:

қордан доимий ҳимоя қилиш иншоотлари (деворлар, панеллар, кўтармалар ва қорни ушлаш тўсиқлари)ни тайёрлаш, ўрнатиш ва таъмирлаш, қордан ҳимоя қилиш иншоотларига қараш;

вақтинчалик қорни тутиб турадиган қурилмалар (шчитлар, тўсиқлар ва тўрлар) тайёрлаш, ўрнатиш (қайта ўрнатиш), тиклаш, йўлолди тасмасида қорни тутиб қолиш учун қорни ушлаш тўсиқлари ва хандақлар барпо этиш ҳамда уларни вақти-вақти билан янгилаб туриш;

автомобиль йўлларини қордан тозалаш, автомобиль йўлларини қор уюмларидан тозалаш, йўл четларидаги қорларни йиғиштириш, паст тоифадаги автомобиль йўлларининг қатнов қисмида қор қопламани қиялаб текислаш ва зичлаш;

қишки сирпанчиқни олдиндан аниқлаш ва прогнозлаштиришнинг автоматлаштирилган тизимларини, шунингдек кўприклар, йўл ўтказгичлар ва турли сатҳдаги йўл ечимларида музгарчиликка қарши реагентларни тақсимлашнинг автоматлаштирилган тизимларини ўрнатиш ва сақлаш;

қишки сирпанчиқликка қарши кураш, музгарчиликка қарши материалларнинг янги базаларини ўрнатиш, мавжудларини эса тиклаш ва таъмирлаш, уларга бориш йўлларини қуриш, табиий шўр сув олинадиган қудуқлар қазиш, жиҳозлаш ва уларга хизмат кўрсатиш, музгарчиликка қарши материалларни тайёрлаш ва сақлаш, музгарчиликка қарши хоссаларга эга бўлган қопламанинг юқори қатламинини қуриш ва сақлаш;

музларга қарши курашиш, музга қарши иншоотларни қуриш, сунъий иншоотлар яқинида ўзанларни тозалаш ва мустаҳкамлаш, музларни йўқотиш;

кўчкига қарши чора-тадбирларни амалга ошириш, кўчки қатламларини йиғиштириб олиш.

### **VIII. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини кўкаламзорлаштириш**

28. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини кўкаламзорлаштириш вазифаси автомобиль йўлларини қор ва қум кўчкиларидан ёки эрозиядан доимий ҳимоя қилишни таъминлашдан ва автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг маъмурий-бадий безагини барпо этишдан иборатдир.

29. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини кўкаламзорлаштириш ишлари автомобиль йўлининг бутун узунлигида унинг барча элементлари ва иншоотлари бўйича бутун йил давомида тасдиқланган сметаларга мувофиқ амалга оширилади.

30. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини кўкаламзорлаштиришга қуйидаги ишлар киради:

кўчатхона ва дарахтзорлар учун тупрокни тайёрлаш, кўчатлар етиштириш (ёки улар қийматини тўлаш) ва кўчатларни транспортда ташиш;

автомобиль йўлларини қум ва қор кўчкиларидан ҳимоя қилиш учун ўрмон тасмаларини барпо этиш, эрозияга қарши ва манзарали дарахтларни экиш;

дарахтларни парвариш қилиш, дарахтларни кесиш-каллаклаш, қуруқ дарахтларни йиғиштириб олиш, дарахтларни ёнғиндан ҳимоя қилиш, ўсимлик зараркунандалари ва касалликларига қарши курашиш;

уруғлик сепиш ва гул экиш, ажратилган минтақага ва ажратиш тасмасига ўт экиш;

суғориш тармоқларига уланган (новлар, кўприклар ва қувурлар билан) артезиан қудуқлар қозиш.

31. Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини сақлаш бўйича бошқа ишлар:

автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини сақлаш сифатини баҳолаш;

автомобиль йўллари ва айрим йўл иншоотларини қўриқлаш, соқчилик ва ёнғин муҳофазаси, сафарбарлик захираларини барпо этиш;

йўл белгиларини хатловдан ўтказиш, паспортлаштириш, йўл кадастрини тузиш ва йўл белгиларини жойлаштириш схемаларини ишлаб чиқиш;

автомобиль йўлларининг ҳолати ташхиси ва уни баҳолаш, кўприклар, йўл ўтказгичлар ва бошқа иншоотларни жорий ва даврий қўриқдан ўтказишлар, текшириш ва синаш, ҳаракат жадаллигини ҳисобга олиш, йўл-транспорт ҳодисалари ҳисобини юритиш ва уларнинг пайдо бўлиши сабабларини аниқлашда қатнашиш, йўллар, кўприклар ва бошқа йўл иншоотларининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар банкни шакллантириш ва юритиш;

навбатчилик-диспетчерлик хизматини ташкил этиш ва метеорологик таъминот;

автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини сақлаш бўйича энг мураккаб ишларга муҳандислик ва илмий-техник ишланмаларни илова қилиш, тармоқ нормалари ва қоидаларини ҳамда автомобиль йўлларининг транспорт-фойдаланиш кўрсаткичларини ошириш ва сифатини таъминлаш бўйича методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш, кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш.



Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 1 ноябрдаги 226-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш,  
реконструкция қилиш, мукамал ва ўртача таъмирлаш бўйича  
бажарилган ишлар сифатини назорат қилиш ва уларни қабул  
қилиб олиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини (кейинги ўринларда матнда «объектлар» деб юритилади) қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва ўртача таъмирлаш бўйича бажарилган ишлар сифатини назорат қилиш ва уларни қабул қилиб олиш тартибини белгилайди.

2. Бажарилган ишлар сифатини назорат қилиш ва уларни қабул қилиб олиш лойиҳа талабларига, шаҳарсозлик нормаларига, объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва ўртача таъмирлаш қоидалари ва стандартларига ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек мазкур Низомга риоя қилинишини текшириш мақсадида амалга оширилади.

3. Қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва ўртача таъмирлаш объектлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари томонидан рўйхатдан ўтказилади.

**II. Сифатни назорат қилишни ташкил этиш**

4. Объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва ўртача таъмирлашда сифатни назорат қилишнинг қўйидаги турлари амалга оширилади:

шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан пудратчи ташкилотларнинг техник ходимлари (бош муҳандислари, иш бажарувчилар, усталар, бригадирлар ва лабораториялар) томонидан ишлар бажарилиши жараёнида доимий равишда амалга ошириладиган ишлаб чиқариш ва лаборатория назорати;

буюртмачи томонидан белгиланган тартибда амалга ошириладиган техник назорат;

буюртмачи билан тузиладиган шартнома бўйича объект учун лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиққан лойиҳалаш ташкилотлари (лойиҳанинг бош муҳандислари) томонидан белгиланган тартибда амалга ошириладиган муаллифлик назорати;

объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва ўртача таъмирлаш бўйича лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишлари сифати юзасидан давлат назорати белгиланган тартибда «Давархитектқурилиш» қўмитаси ва унинг давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари томонидан амалга оширилади.

Қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва ўртача таъмирлаш жараёнида технологик жараён олиб борилишининг тўғрилиги, бажариладиган ишлар ҳамда фойдаланиладиган материалларнинг сифати юзасидан техник назоратни амалга ошириш, шунингдек ёпилиб кетадиган ва оралиқ ишларни қабул қилиб олишда ҳамда тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишда буюртмачи томони-

дан комиссия таркибида иштирок этиш учун ушбу объектга хизмат кўрсатадиган йўл ташкилотлари жалб этилиши мумкин.

### **III. Объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва ўртача таъмирлаш бўйича бажарилган ишларни қабул қилиб олишнинг умумий тартиби**

5. Тасдиқланган лойиҳалар ва ишчи чизмалар, шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига тўлиқ мувофиқ ҳолда бажарилган, тўлиқ тугалланган ишлар қабул қилиб олиниши лозим. Ишларни қабул қилиб олишда ишлар натурада тасдиқланади, назорат тартибида ўлчашлар амалга оширилади, қурилиш материаллари ва назорат намуналарининг ишлаб чиқариш ҳамда лаборатория синовлари натижалари, ишларни бажариш ва муаллифлик назорати журналларидаги ёзувлар текширилади.

6. Объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва ўртача таъмирлашда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш;

бажарилган ишларни ойлик (оралиқ) қабул қилиб олиш.

7. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади. Ишларни қуйидаги таркибдаги комиссия қабул қилиб олади: буюртмачининг вакили — техник назоратчи (раис); пудратчи ташкилот вакили — иш бажарувчи ёки уста, лаборант ва геодезист (зарур ҳолларда); йўлга хизмат кўрсатадиган йўл ташкилоти вакили; лойиҳа ташкилоти вакили (қўтариб турувчи конструкцияларни қабул қилиб олишда). Қўтариб турувчи конструкциялар рўйхати лойиҳада белгиланади. Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ушбу Низомга 1-иловадаги шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

8. Объектнинг бажарилган ишлари ва тугалланган объектларини ойлик (оралиқ) қабул қилиб олиш буюртмачи ва пудратчи ташкилот томонидан расмийлаштирилади. Бажарилган ишлар ва йўлларнинг тугалланган конструктив элементларини Ойлик (оралиқ) қабул қилиб олиш натижалари мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича маълумотнома-ҳисоб-фактура билан, миқдор ва қиймат кўрсаткичлари ҳисоб-китоб жадвалида акс эттирилган ҳолда 2а-иловага мувофиқ акс эттирилган ҳолда расмийлаштирилади.

### **IV. Қурилиши тугалланган ва реконструкция қилинган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш тартиби**

9. Қурилиши тугалланган ва реконструкция қилинган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш амалдаги шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

10. Қурилиши тугалланган ва реконструкция қилинган объектлар ёки уларнинг участкалари (ишга тушириш мажмуалари) қуйидаги икки босқичда;

объектнинг тугалланганлиги ва у қабул қилиб олишга тайёрлиги тўғрисида пудратчи ташкилотнинг хабарномасидан кейин ишчи комиссиялар томонидан;

ишчи комиссия тавсияномаси ҳамда объектни фойдаланишга қабул қилиб олишга тақдим этиш тўғрисида буюртмачидан хабарнома олингандан кейин давлат қабул комиссиялари томонидан фойдаланишга қабул қилинади.

11. Ишчи комиссиялар буюртмачининг қарори (буйруғи) билан тайинланади. Ишчи комиссия таркибига буюртмачи, Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, пудратчи ташкилотлар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар), қабул қилинадиган объектдан фойдаланиш вазифаси юкланадиган йўл ташкилоти, лойиҳалаш ташкилоти ва бошқа манфаатдор ташкилотлар вакиллари киради.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати буюртмачи ҳисобланган тақдирда, комиссия таркибига Республика йўл жамғармаси вакили киритилади.

12. Пудратчи ташкилот ишчи комиссияга қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотларнинг улар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

қабул қилишга тақдим этилган йўлнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари тўплами, ижро схемалари;

ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;

йўл-қурилиш материаллари ва йўл тўшамаларининг конструктив қатламларидан кесиклар (тупроқ жинслари) синовлари журналлари, мувофиқлик сертификатлари;

ишларни бажариш ва муаллифлик назорати журналлари;

Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш далолатномалари.

13. Ишчи комиссия объектни фойдаланишга қабул қилиш учун Давлат қабул комиссиясига тақдим этгунга қадар қўйидагиларни бажариши шарт:

бажарилган ишлар ҳажмлари ва турларининг тасдиқланган лойиҳага, ишларни бажаришнинг шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига мувофиқлигини текшириш;

зарур назорат ўлчовлари ва лаборатория синовларини ўтказган ҳолда ишлар сифатини текшириш;

объектни қуриш ва уни реконструкция қилиш қиймати тўғри шакллантирилганлигини кўриб чиқиш. Қиймат ўсиши ва (ёки) унга объектни қуриш ва реконструкция қилишга тегишли бўлмаган харажатлар нотўғри киритилиши ҳолатлари аниқланганда, унинг сабабларини ўрганиб чиқади ва уларни бартараф этиш бўйича тақлиф киритади;

мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича объект фойдаланишга қабул қилишга тайёрлиги тўғрида далолатнома тузиш.

Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

Ишчи комиссия томонидан аниқланган камчиликлар ва чала қилинган ишлар далолатноманинг иловасида акс эттирилиши ҳамда комиссия томонидан белгиланган муддатда бартараф этилиши лозим.

14. Курилиши тугалланган ва реконструкция қилинган объектларни қабул қилиш Давлат комиссияси объектларни куриш ва реконструкция қилишни лойиҳалаштириш топшириғини тасдиқлаган орган томонидан тузилади. Курилиши тугалланган ва реконструкция қилинган объектларни (ёки уларнинг участкаларини — ишга тушириш мажмуаларини) фойдаланишга қабул қилиб олишда Давлат қабул комиссияси таркибига буюртмачи, Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси ёки давлат архитектура-курилиш назорати ҳудудий инспекциялари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, пудратчи ташкилотлар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар), қабул қилинадиган объектлардан фойдаланиш вазифаси юкланадиган йўл ташкилоти, лойиҳа ташкилотлари, Ички ишлар вазирлигининг йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати органлари, санитария назорати, давлат ёнғин назорати, табиатни муҳофаза қилиш, Бош давлат меҳнат техника инспектори ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари киради.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати буюртмачи ҳисобланган тақдирда, комиссия таркибига Республика йўл жамғармаси вакили киритилади.

15. Курилиши тугалланган ва реконструкция қилинган объектларни (ёки уларнинг участкалари — ишга тушириш мажмуаларини) доимий фойдаланишга қабул қилиб олиш Давлат комиссиясига объект бўйича барча зарур ижро ҳужжатлари, шунингдек ишчи комиссия далолатномаси тақдим этилади.

Тақдим этилган ҳужжатлар текширилгандан кейин ва назорат ўлчовлари ўтказилиб ҳамда айрим конструктив элементлар текширилиб объект кўриб чиқилгандан кейин комиссия томонидан мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича объектни қабул қилиш далолатномаси тузилади. Далолатномада объект сифатини баҳолаш ва унинг қиймати кўрсатилган ҳолда доимий фойдаланишга қабул қилинадиган объектнинг қисқача тавсифи берилди, шунингдек объектни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисида сўнгги хулоса киритилади.

16. Давлат қабул комиссиясининг объектни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси у тақдим этилгандан кейин бир ой муддатда Давлат қабул комиссиясини тайинлаган орган томонидан тасдиқланади.

Объектни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси ва унга ахборот хати беш нусхада тузилиб, икки нусхаси қарор лойиҳаси билан бирга Давлат қабул комиссиясини тайинлаган органга, икки нусхаси буюртмачига ва бир нусхаси пудратчига топширилади.

17. Буюртмачи Давлат қабул комиссияси далолатномасининг бир нусхасини ҳамда техник (лойиҳа-смета) ва ижро ҳужжатларининг тўлиқ тўпламини йўл ташкилотига бериши шарт.

Қабул қилиш далолатномаси ва техник (лойиҳа-смета) ҳужжатлари йўлдан фойдаланадиган йўл ташкилотига сақланади.

#### **V. Мукамал ва ўртача таъмирлаш тугалланган объектларни қабул қилиш тартиби**

18. Мукамал ва ўртача таъмирлаш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш амалдаги шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

19. Мукамал ва ўртача таъмирлаш тугалланган объектлар, буюртмачи (раис), Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси давлат архитектура-курилиш назорати ҳудудий инспекциялари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазир-

лар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, пудратчи ташкилотлар, йўлга хизмат кўрсатадиган йўл ташкилотлари, Ички ишлар вазирлигининг йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати органлари, лойиҳа ташкилотлари (муаллифлик назорати) ва бошқа манфаатдор ташкилотлар вакилларида иборат ишчи комиссия томонидан фойдаланишга қабул қилинади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати буюртмачи ҳисобланган тақдирда, комиссия таркибига Республика йўл жамғармаси вакили киритилади.

20. Мукаммал ва ўртача таъмирлаш тугалланган объектларни қабул қилишда пудратчи ташкилот ишчи комиссиясига: лойиҳа-смета ҳужжатлари, ёпилиб кетадиган ишлар далолатномалари, қурилиш материаллари ва назорат намуналари журналлари, синов далолатномалари, мувофиқлик сертификатлари, ишларни бажариш ва муаллифлик назорати журналлари, Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш далолатномаларини тақдим этиши шарт.

Комиссия томонидан бажарилган ишлар ҳажмлари ва турларининг тасдиқланган лойиҳага, шаҳарсозлик нормаларига, ишларни бажариш қоидалари ва стандартларига мувофиқлиги; Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари томонидан кўрсатилган камчиликларнинг бартараф этилиши; зарур назорат ўлчовлари ва лаборатория синовлари ўтказилган ҳолда ишлар сифати; бажарилган ишлар ҳажмлари ва турларининг тасдиқланган лойиҳага, стандартларга, ишларни бажариш қурилиш нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги текширилади.

Амалга оширилган ишлар натижалари мазкур Низомга 5-иловага мувофиқ шакл бўйича ишчи комиссиянинг мукаммал ва ўртача таъмирлаш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш далолатномасида акс эттирилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси, лаборатория синовлари натижалари ва ижро ҳужжатлари илова қилинади.

21. Ишчи комиссиянинг мукаммал (ўртача) таъмирлаш тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси тақдим қилингандан кейин бир ойдан кечикмасдан комиссияни тайинлаган орган томонидан тасдиқланади.

Объектни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси ва унга ахборот хати беш нусхада тузилиб, икки нусхаси қарор лойиҳаси билан бирга Давлат қабул комиссиясини тайинлаган органга, икки нусхаси буюртмачига ва бир нусхаси пудратчига топширилади.

22. Буюртмачи ишчи комиссия далолатномасининг битта нусхасини ҳамда техник (лойиҳа-смета) ва ижро ҳужжатларининг тўлиқ тўпламини йўл ташкилотига бериши шарт.

Қабул қилиш далолатномаси ва техник (лойиҳа-смета) ҳужжатлари йўлдан фойдаланадиган йўл ташкилотига сақланади.

## VI. Жавобгарлик

23. Буюртмачи қурилиши тугалланган, реконструкция қилинган, мукаммал ва ўртача таъмирланган объектни, транспорт ҳаракати очилишига тайёрланган унинг айрим қисмлари, бинолар, иншоотларни қабул қилишни асоссиз кечиктирганлиги учун пудратчи ташкилот олдида қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ мулкӣ жавобгар ҳисобланади.

24. Пудратчи ташкилот шартномада белгиланган кафолат даврида буюртмачи олдида мулкый жавобгар ҳисобланади. Кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, пудратчи ташкилот уларни бепул бартараф этади.

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўларини  
қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва  
ўртача таъмирлаш бўйича бажарилган ишлар  
сифатини назорат қилиш ва уларни қабул қилиб  
олиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

\_\_\_\_\_ да бажарилган  
(объектнинг номи ва жойлашган жойи)

\_\_\_\_\_ (бажарилган ишнинг номи)

### Ёпилиб кетадиган ишларни текшириш далолатномаси

20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

Қўйидаги таркибдаги Комиссия:

Пудратчи ташкилот вакили \_\_\_\_\_  
(фамилияси, исми ва отасининг исми, лавозими)

Буюртмачининг техник назорати вакили \_\_\_\_\_  
(фамилияси, исми ва отасининг исми, лавозими)

Йўлга хизмат кўрсатадиган йўл ташкилоти вакили \_\_\_\_\_  
(фамилияси, исми ва отасининг исми, лавозими)

\_\_\_\_\_ томонидан  
(қурилиш-монтаж ташкилоти номи)

бажарилган ишларни текшириб чиқди ва қўйидагилар тўғрисида ушбу Далолатномани тузди:

1. Текширишга қўйидаги ишлар тақдим қилинди: \_\_\_\_\_

(ёпилиб кетадиган ишлар ёки масъул конструкциялар номи)

2. Ишлар \_\_\_\_\_

(лойиҳа ташкилоти номи, чизмалар рақами ва улар тузилган сана)

лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича бажарилган.

3. Ишларни бажаришда қўйидагилардан фойдаланилган: \_\_\_\_\_

(сертификатларга таянган ҳолда материаллар, конструкциялар, буюмлар номи ёки

сифатни тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатлар)

4. Ишларни бажаришда лойиҳа-смета ҳужжатларидаги қўйидаги ишлар бажарилмаган ёки улардан чекинишга йўл қўйилган \_\_\_\_\_

чекинишга йўл қўйилганда ким билан

---

келишилганлиги, чизмалар рақами ва келишиш санаси кўрсатилади)

5. Ишлар бошланган сана: \_\_\_\_\_  
ишлар тугалланган сана: \_\_\_\_\_

**Комиссия қарори:**

Ишлар лойиҳа-смета ҳужжатлари, стандартлар, қурилиш нормалари ва қоидаларига мувофиқ бажарилган.

Баён қилинганлар асосида қуйидаги ишларни бажаришга рухсат берилади

---

(ишлар ва конструкциялар номи)

---

Буюртмачининг техник назорати вакили \_\_\_\_\_  
(имзо)

Йўл ташкилоти вакили \_\_\_\_\_  
(имзо)

Пудратчи ташкилот вакили \_\_\_\_\_  
(имзо)

+

-

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини куриш, реконструкция қилиш, мукамал ва ўртача таъмирлаш бўйича бажарилган ишлар сифатини назорат қилиш ва уларни қабул қилиш олиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

БАЖАРИЛГАН ИШЛАР ҚИЙМАТИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТНОМА-ҲИСОБ-ФАКТУРАСИ (қилинган харажатлар)

Т/р	Тузилган санаси	Ҳисобот дари санадан санагача

Бош пудратчи (ёрламчи пудратчи)  
Манзили  
Телефони  
Ҳисоб рақами (МФО)  
ИНН  
ХХТУТ коди

Инвестор (бунёдгари, бош пудратчи)  
Манзили  
Телефони  
Ҳисоб рақами (МФО)  
ИНН  
ХХТУТ коди

Объектнинг номи ва манзили \_\_\_\_\_  
200\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_ Шартнома № Шартномавий жорий нархлардаги умумий қиймати (минг сўм) \_\_\_\_\_

Т/р	Объектлар (босқичлар), ишлар турлари, харажатлар элементлари бўйича жиқозлар номи	Ундов бирлиги	Ишлар ҳажми физик кўрсаткичлари		Шартномавий нархлардаги қиймати	қурилишни бошидан			бажарилган ишлар (қилинган харажатлар)			шартномавий жорий нархларда (минг сўм)	шартномавий жорий нархларда (минг сўм)	шартномавий жорий нархларда (минг сўм)	
			Ҳам-маси	шу жумладан жорий йилга		физик кўрсаткичларда	жами ишлар ҳажмига нисбатан фонизларда (3 устун: 4 устун:Х100)	шартномавий жорий нархларда (минг сўм)	физик кўрсаткичларда	яни ишлар ҳажмига нисбатан фонизларда (3 устун: 4 устун:Х100)	физик кўрсаткичларда				шартномавий жорий нархларда (минг сўм)
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
1															
2															
3															
4															
5															
	Жами:														
	ҚҚС	x	x	x			x	x		x	x		x	x	
	ҚҚС ҳисобга олинган қолди жами	x	x	x			x	x		x	x		x	x	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
1															
2															

+



+

Т/р	Объектлар (босқичлар), ишлар турлари, харажатлар элементлари бўйича жиҳозлар номи	Ишлар ҳажми физик кўрсаткичларида		Шартномавий жорий наҳдлардаги қиймати		бажарилган ишлар (қилинган харажатлар)									
		Ҳам-маси	шу жумладан жорий йилга	шу жумладан жорий йилга	шартномавий жорий наҳдларда (минг сўм)	қурилишнинг бошидан		йил бошидан		шу жумладан ҳисобот ойда					
						физик кўрсаткичларда	ҳажмига нисбатан фонсларда (3 устун-4)	физик кўрсаткичларда	ҳажмига нисбатан фонсларда (3 устун-4)	физик кўрсаткичларда	шартномавий жорий наҳдларда (минг сўм)	физик кўрсаткичларда	ҳажмига нисбатан фонсларда (3 устун-4)		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
3															
4															
	Жами:														
	ҚҚС ҳисобга олинган холда жами	x	x	x			x	x		x	x		x	x	
III. Жискозлар ва инвентарлар															
1															
2															
3															
4															
5															
	Жами:														
	ҚҚС ҳисобга олинган холда жами	x	x	x			x	x		x	x		x	x	
	Ҳаммаси:														
	ҚҚС	x	x	x			x	x		x	x		x	x	
	ҚҚС ҳисобга олинган холда жами	x	x	x			x	x		x	x		x	x	

Изоҳ: ҚҚС тўловчилари ҳисобланмайдиган пулрағчи қурилиш ташкилотлари ҚҚС сатрини тўлдирмайдилар.

Пулрағчининг раҳбари  
Пулрағчининг бош бухгалтери  
М.У.

Буюртмачининг раҳбари  
Буюртмачининг бош бухгалтери  
М.У.

|

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал ва ўртача таъмирлаш бўйича бажарилган ишлар сифатини назорат қилиш ва уларни қабул қилиб олиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2а-ИЛОВА

**Объект қурилишида фойдаланилган қурилиш материаллари, конструкциялар, буюмлар ва асбоб-ускуналар сони, жорий нархлари ва қийматлари тўғрисида ҳисоб-киتاب жадвали**

Т/р	Қурилиш материаллари, конструкциялар ва буюмлар номи	Ўлчов бирлиги	Қурилиш материаллари, конструкциялар, буюмлар ва асбоб-ускуналарга умумий ҳаҷми		Шартномавий жорий нархлардаги умумий қиймати (минг сўм)		Сарф қилинган қурилиш материаллари, конструкциялар, буюмлар (ўриғилган асбоб-ускуналар)										
			Қурилиш материаллари, конструкциялар, буюмлар ва асбоб-ускуналарга умумий ҳаҷми	Қиймати (минг сўм)	Қиймати (минг сўм)	Қурилишнинг бошидан					Йил бошидан					Шу жумладан ҳисобот ойда	
						Қиймати (минг сўм)	Қиймати (минг сўм)	Қиймати (минг сўм)	Қиймати (минг сўм)	Қиймати (минг сўм)	Қиймати (минг сўм)	Қиймати (минг сўм)	Қиймати (минг сўм)	Қиймати (минг сўм)	Қиймати (минг сўм)	Қиймати (минг сўм)	Қиймати (минг сўм)
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16		
I. Қурилиш материаллари, конструкциялар ва буюмлар																	
1																	
2																	
	Ҳаммаси:	x	x	x	x	x	x	x	x	x	x	x	x	x	x		
II. Асбоб-ускуналар																	
1																	
2																	
3																	
	Ҳаммаси:	x	x	x	x	x	x	x	x	x	x	x	x	x	x		
	Ҳами:	x	x	x	x	x	x	x	x	x	x	x	x	x	x		

Пудратчининг раҳбари \_\_\_\_\_ Буюртмачининг раҳбари \_\_\_\_\_  
 Пудратчининг бош бухгалтери \_\_\_\_\_ Буюртмачининг бош бухгалтери \_\_\_\_\_  
 М.Ў. М.Ў.

+

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари  
 куриш, реконструкция қилиш, мукамал ва  
 ўртача таъмирлаш бўйича бажарилган ишлар  
 сифатини назорат қилиш ва уларни қабул қилиб  
 олиш тартиби тўғрисидаги низомга  
 3-ИЛОВА

**Ишчи комиссиянинг курилиши (реконструкцияси) тугалланган  
 автомобиль йўллари ва йўл иншоотлари Давлат қабул  
 комиссиясига тақдим этиш учун тайёрлиги тўғрисидаги  
 ДАЛОЛАТНОМАСИ**

\_\_\_\_\_ шаҳри 200\_ й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_  
 (шаҳар номи)

(ишчи комиссияни тайинлаган буюртмачи (қурувчи)-ташкilot номи)

\_\_\_\_\_ томонидан  
 200\_ й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -сон қарор (буйруқ) билан тайинланган  
 ишчи комиссияси қоидаларга амал қилган ҳолда қўйидагиларни

**Аниқлади:**

1. Бош пудратчи \_\_\_\_\_  
 (ташкilot номи ва унинг идоравий мансублиги)

\_\_\_\_\_ томонидан  
 курилиши (реконструкцияси) тугалланган \_\_\_\_\_  
 (объектнинг номи)

фойдаланишга қабул қилишга тақдим этилди.

2. Курилиш (реконструкция қилиш) \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ ишларини бажарган  
 (бажарилган ишлар турлари)

бош пудратчи томонидан ҳамда \_\_\_\_\_ ишларини бажарган  
 (бажарилган ишлар турлари)

\_\_\_\_\_ унинг ёрдамчи  
 (ташкilotлар номи ва уларнинг идоравий мансублиги)  
 пудратчи ташкilotлари томонидан амалга оширилган.

3. Лойиҳа-смета ҳужжатлари \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ лойиҳалаш  
 (лойиҳа ташкilotлари номи)

ташкilotлари томонидан ишлаб чиқилган

4. Курилиш (реконструкция қилиш) \_\_\_\_\_

(лойиҳа тартиб рақами, серия тартиб рақами (намунавий лойиҳалар бўйича))

лойиҳаси бўйича амалга оширилди.

5. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари (лойиҳа-смета ҳужжатлари) \_\_\_\_\_

(бутун объект учун ҳужжатларни тасдиқлаган органнинг номи)

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.*

\_\_\_\_\_ томонидан 200\_й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_-сон билан тасдиқланган.

6. Қурилиш-монтаж ишлари қўйидаги муддатларда амалга оширилган: ишлар бошланиши \_\_\_\_\_;

(ой ва йил)

ишлар тугалланиши \_\_\_\_\_.

(ой ва йил)

7. Ишчи комиссияга қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилган: \_\_\_\_\_

(КМК 3.01.04-99 3.3-бандига мувофиқ ҳужжатлар рўйхати)

ёки далолатномага илованинг тартиб рақами)

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар ушбу далолатномага мажбурий иловалар ҳисобланади.

8. Объект қўйидаги кўрсаткичларга эга: \_\_\_\_\_

(масофаси, узунлиги)

9. Бинолар ва иншоотлар бўйича технологик ва архитектура-қурилиш қарорлари қўйидаги маълумотлар билан тавсифланади: \_\_\_\_\_

(масофаси, узунлиги, асосий материаллар ва конструкциялар, муҳандислик ва техник

асбоб-ускуналар бўйича қисқача техник тавсифлар).

10. Асбоб-ускуналар лойиҳа бўйича \_\_\_\_\_ дона; амалда \_\_\_\_\_ дона миқдориди ишчи комиссиялар томонидан яқка тартибда синалгандан кейин ва комплекс ишлатиб кўрилгандан кейин (мазкур далолатномага \_\_\_ - иловада далолатномалар рўйхати келтирилган) уни қабул қилиш тўғрисидаги далолатномага мувофиқ ўрнатилган.

11. Лойиҳада назарда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари ва зилзилага қарши тадбирлар \_\_\_\_\_

(бажарилиши тўғрисида маълумот)

Тадбирлар тавсифи далолатномага \_\_\_\_\_-иловада келтирилган.

12. Аниқланган нуқсон ва чала бажарилган ишлар далолатномага \_\_\_-иловада кўрсатилган муддатларда бартараф этилиши керак.

13. Танлов савдоси натижаларига кўра (ёки томонларнинг келишувига кўра) аниқланган жорий нархларда ҳисобланган тўлов қиймати \_\_\_\_\_ минг сўм, (ҳисобланган тўлов қиймати кўрсатилсин)

шу жумладан:

қурилиш-монтаж ишлари \_\_\_\_\_ минг сўм,

асбоб-ускуналар \_\_\_\_\_ минг сўм,

буюртмачининг бошқа харажатлари \_\_\_\_\_ минг сўм,

шундан сақлаш харажатлари \_\_\_\_\_ минг сўм.

**Ишчи комиссия қарори** \_\_\_\_\_

(объектнинг номи)

бош пудратчидан қабул қилиб олинган ва Давлат қабул комиссиясига тақдим қилиш учун тайёр деб ҳисоблансин.

Раис-Буюртмачи (қурувчи) вакили \_\_\_\_\_

(Ф.И.О. лавозими)

(имзо)

Раис ўринбосари — «Давархитектқурилиш» қўмитасининг ҳудудий инспекцияси вакили \_\_\_\_\_

(фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими)

**Комиссия аъзолари:**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ёки вилоятлар ҳокимликлари вакили \_\_\_\_\_

(Ф.И.О. лавозими)

(имзо)

бош пудратчи вакили \_\_\_\_\_

(Ф.И.О. лавозими)

(имзо)

молиялаштирувчи банк вакили \_\_\_\_\_

(Ф.И.О. лавозими)

(имзо)

ёрдамчи пудратчи (монтаж) ташкилотлар вакили \_\_\_\_\_

(Ф.И.О. лавозими)

(имзо)

фойдаланувчи ташкилот вакили \_\_\_\_\_

(Ф.И.О. лавозими)

(имзо)

бош лойиҳаловчи вакили \_\_\_\_\_

(Ф.И.О. лавозими)

(имзо)

буюртмачи ёки фойдаланувчи ташкилотнинг қасаба уюшмаси ташкилоти вакиллари \_\_\_\_\_

(Ф.И.О. лавозими)

(имзо)

бошқа манфаатдор назорат органлари ва ташкилотлар вакиллари \_\_\_\_\_

(Ф.И.О. лавозими)

(имзо)

**Бош пудратчи ва ёрдамчи  
пудратчи ташкилотлар вакиллари  
тошширдилар:**

**Буюртмачи (қурувчи)  
вакиллари қабул  
қилдилар):**

(имзолар)

(имзолар)

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўларини  
 қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва  
 ўртача таъмирлаш бўйича бажарилган ишлар  
 сифатини назорат қилиш ва уларни қабул қилиб  
 олиш тартиби тўғрисидаги низомга  
 4-ИЛОВА  
 (Мажбурий)

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

\_\_\_\_\_ (қарор, буйруқ, ҳал қилув қарори санаси ва тартиб)

\_\_\_\_\_ рақами, буйруқ, қарорни имзолаган шахснинг

\_\_\_\_\_ фамилиси, исми, отасининг исми)

**Давлат қабул комиссиясининг қурилиши (реконструкцияси)  
 тугалланган автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини  
 фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги  
 ДАЛОЛАТНОМАСИ**

200\_й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (объектнинг жойлашган жойи)

\_\_\_\_\_ НИНГ

\_\_\_\_\_ (комиссияни тайинлаган органнинг номи)

200\_й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сон қарор (буйруғи) билан тайинланган Давлат қабул комиссияси, қурилиши (реконструкцияси) тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш қоидаларга амал қилган ҳолда қуйидагиларни

**Аниқлади:**

1. Буюртмачи (пудратчи томонидан буюртмачи билан биргаликда) \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ ТОМОНИДАН

\_\_\_\_\_ (ташкilot номи ва идоравий мансублиги)

\_\_\_\_\_ манзили бўйича

\_\_\_\_\_ (йўл номи ва унинг манзили)

жойлашган \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (объектнинг номи ва қурилиш тури:

\_\_\_\_\_ янги, кенгайтириш, реконструкция қилиш, техник қайта жиҳозлаш)

объекти фойдаланиш учун қабул қилишга тақдим этилган.

2. Қурилиш (реконструкция қилиш) \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (рухсат берган органнинг номи)

200\_й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сон қарори (буйруғи) асосида амалга оширилган.

3. Қурилиш (реконструкция қилиш) \_\_\_\_\_

(бажарилган иш турлари)

(ташкilot номи ва унинг идоравий мансублиги)

бош пудратчи томонидан ҳамда \_\_\_\_\_

(ташкilotлар номи ва уларнинг идоравий мансублиги:

хар бир ташкilot томонидан бажарилган ишлар турлари)

ёрдамчи пудратчи ташкilotлар томонидан амалга оширилган.

4. Қурилиш (реконструкция қилиш) учун лойиҳа-смета ҳужжатлари \_\_\_\_\_

(ҳужжатлар қисмлари ва бўлимлари номи)

(ташкilot номи ва унинг идоравий мансублиги)

бош лойиҳаловчи томонидан ҳамда \_\_\_\_\_

(ташкilotлар номи ва уларнинг идоравий мансублиги:

ҳужжатлар қисмлари ёки бўлимлари бажарилиши)

ёрдамчи пудратчи ташкilotлар томонидан амалга оширилган.

5. Лойиҳалаштириш учун дастлабки маълумотлар \_\_\_\_\_

(илмий-тадқиқот

ва кидирув ташкilotлари, уларнинг идоравий мансублиги

\_\_\_\_\_ томонидан берилган.

дастлабки маълумотлар мавзулари)

6. Қурилиш (реконструкция қилиш) \_\_\_\_\_

(лойиҳанинг тартиб рақами, серияси тартиб рақами (намунавий лойиҳалар бўйича)

лойиҳа (намунавий, шахсий, такрор қўлланиладиган лойиҳа) бўйича амалга оширилган.

7. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари (лойиҳа-смета ҳужжатлари) \_\_\_\_\_

(объект ҳужжатларини тасдиқлаган (қайта тасдиқлаган) органнинг номи)

200\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сон билан тасдиқланган.

8. Қурилиш-монтаж ишлари қуйидаги муддатларда амалга оширилган:

ишлар бошланиши \_\_\_\_\_;

(ой ва йил)

ишлар тугалланиши \_\_\_\_\_

(ой ва йил)

қурилиш давомийлигида, ой:

қурилишни ташкilot этиш норма ёки лойиҳа бўйича \_\_\_\_\_ ой;

амалда \_\_\_\_\_ ой.

9. Давлат қабул қилиш комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилган:



(КМК 5.01.04-97 4.15-бандига мувофиқ ҳужжатлар рўйхати)

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар ушбу далолатномага мажбурий иловалар ҳисобланади.

10. Фойдаланиш учун қабул қилиб олишга тақдим қилинган объект қуйидаги асосий кўрсаткичларга эга: масофаси (км), узунлиги (пм)

11. Лойиҳада назарда тутилган атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари ва зилзилага қарши тадбирлар \_\_\_\_\_

(бажарилиши тўғрисида маълумот)

Тадбирлар тавсифи далолатномага \_\_\_\_\_-иловада келтирилган.

12. Объектдан нормал фойдаланишга таъсир қилмайдиган чала қилинган ишлар ва нуқсонлар \_\_\_\_\_ -сон иловага қаранг.

13. Танлов савдоси натижаларига кўра (ёки томонларнинг келишувига кўра) аниқланган жорий нархларда ҳисобланган тўлов қиймати \_\_\_\_\_ минг сўм,

(ҳисобланган тўлов қиймати кўрсатилсин)

шу жумладан:

қурилиш-монтаж ишлари \_\_\_\_\_ минг сўм,

асбоб-ускуналар \_\_\_\_\_ минг сўм,

буюртмачининг бошқа харажатлари \_\_\_\_\_ минг сўм,

шундан сақлаш харажатлари \_\_\_\_\_ минг сўм.

14. Фойдаланишга қабул қилинадиган асосий фондларнинг амалдаги қиймати \_\_\_\_\_ минг сўм,

шу жумладан:

қурилиш-монтаж ишлари \_\_\_\_\_ минг сўм,

асбоб-ускуналар \_\_\_\_\_ минг сўм,

буюртмачининг бошқа харажатлари \_\_\_\_\_ минг сўм,

шундан сақлаш харажатлари \_\_\_\_\_ минг сўм.

15. Фойдаланишга топшириладиган объектда пудратчининг қурилиш (реконструкция қилиш)ни арзонлаштирадиган тадбирларини жорий этишдан олинadиган иқтисодий самара \_\_\_\_\_ минг сўм.

### Давлат қабул комиссиясининг қарори

Қабул қилишга тақдим этилган \_\_\_\_\_  
(объектнинг номи)

### Фойдаланиш учун қабул қилинсин

Давлат қабул комиссияси раиси \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О. лавозими) (имзо)

Раис ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси ёки «Давархитектқурилиш» қўмитасининг ҳудудий инспекцияси вакили \_\_\_\_\_

(фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими)

Комиссия аъзолари:  
 Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ёки вилоятлар ҳокимликла-  
 ри вакили \_\_\_\_\_  
 (Ф.И.О. лавозими) (имзо)

бош пудратчи вакили \_\_\_\_\_  
 (Ф.И.О. лавозими) (имзо)

молиялаштирувчи банк вакили \_\_\_\_\_  
 (Ф.И.О. лавозими) (имзо)

ёрдамчи пудратчи (монтаж) ташкилотлар вакили  
 \_\_\_\_\_  
 (Ф.И.О. лавозими) (имзо)

фойдаланувчи ташкилот вакили \_\_\_\_\_  
 (Ф.И.О. лавозими) (имзо)

бош лойиҳаловчи вакили \_\_\_\_\_  
 (Ф.И.О. лавозими) (имзо)

буюртмачи ёки фойдаланувчи ташкилотнинг қасаба уюшмаси ташкилоти ва-  
 киллари \_\_\_\_\_  
 (Ф.И.О. лавозими) (имзо)

молиялаштирувчи банк вакили (ишлаб чиқариш учун мўлжалланган объект-  
 лар бўйича) \_\_\_\_\_  
 (Ф.И.О. лавозими) (имзо)

бошқа манфаатдор назорат органлари ва ташкилотлар вакиллари  
 \_\_\_\_\_  
 (Ф.И.О. лавозими) (имзо)

+

-

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўларини  
 қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва  
 ўртача таъмирлаш бўйича бажарилган ишлар  
 сифатини назорат қилиш ва уларни қабул қилиб  
 олиш тартиби тўғрисидаги низомга  
 5-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

\_\_\_\_\_  
 \_\_\_\_\_  
 \_\_\_\_\_

(комиссияни тайинлаган орган)

**Ишчи комиссиянинг мукамал (ўртача) таъмирлаш тугалланган  
 объектни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги  
 ДАЛОЛАТНОМАСИ**

200\_\_ й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_  
 (объектнинг жойлашган жойи)

\_\_\_\_\_  
 \_\_\_\_\_

(қабул қилиш комиссиясини тайинлаган органнинг номи)

200\_\_ й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_-сон қарори (буйруғи) билан тайинланган  
 қуйидаги таркибдаги қабул қилиш комиссияси:

Раис-буюртмачи вакили \_\_\_\_\_  
 (фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими)

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.*

Раис ўринбосари — «Давархитектқурилиш» қўмитасининг ҳудудий инспекция-  
си вакили \_\_\_\_\_

(фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими)

комиссия аъзолари:

бош пудратчи вакили \_\_\_\_\_

(Ф.И.О. лавозими)

(имзо)

ёрдамчи пудратчи ташкилотлар вакиллари \_\_\_\_\_

лойиҳа ташкилотлари вакиллари \_\_\_\_\_

фойдаланувчи ташкилотлар вакиллари \_\_\_\_\_

Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати органлари вакиллари \_\_\_\_\_

Мукамал (ўрточа) таъмирлаш тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб  
олиш қоидаларига амал қилган ҳолда қўйидагиларни

### АНИҚЛАДИ:

1. Бош пудратчи \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ ТОМОНИДАН

(ташкилотнинг ва унинг идоравий мансуб бўлимлари номи кўрсатилсин)

(объектнинг номи ва жойлашган жойи)

мукамал (ўрточа) таъмирлаш тугалланган объект фойдаланиш учун қабул қилиш-  
га тақдим этилган.

2. Мукамал (ўрточа) таъмирлаш \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ ишларини бажарган

(бажарилган иш турлари кўрсатилсин)

бош пудратчи томонидан ҳамда \_\_\_\_\_

(бажарилган иш турлари кўрсатилсин)

\_\_\_\_\_ ишларини бажарган

(ташкилотлар номи кўрсатилсин)

унинг ёрдамчи пудратчи ташкилотлари томонидан амалга оширилган.

3. Мукамал (ўрточа) таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари \_\_\_\_\_

(лойиҳа-смета ҳужжатларини тасдиқлаган органнинг номи кўрсатилсин)

томонидан 200\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_ да тасдиқланган.

4. Таъмирлаш-қурилиш ишлари қўйидаги муддатларда амалга оширилган:

ишлар бошланиши \_\_\_\_\_;

(ой ва йил)

ишлар тугалланиши \_\_\_\_\_.

(ой ва йил)

5. Мукамал таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олишда комиссия-  
га қўйидаги ҳужжатлар тақдим қилинган: лойиҳа-смета ҳужжатлари, ёпилиб кета-  
диган ишлар далолатномаси, журналлар ва ижро ҳужжатлари, материаллар, буюм-  
лар ва конструкцияларга мувофиқлик сертификатлари; ишларни бажариш журна-  
ли; муаллифлик назорати журнали.

6. Тақдим қилинган объект қуйидаги кўрсаткичларга эга: \_\_\_\_\_

(лойиха ва режада назарда тутилган объектнинг умумий узунлиги, масофаси,

йўл тонфаси кўрсатилсин)

7. Танлов савдоси натижаларига кўра (ёки томонларнинг келишувига кўра) аниқланган жорий нархларда ҳисобланган тўлов қиймати \_\_\_\_\_ минг сўм,

(ҳисобланган тўлов қиймати кўрсатилсин)

шу жумладан:

қурилиш-монтаж ишлари \_\_\_\_\_ минг сўм,

асбоб-ускуналар \_\_\_\_\_ минг сўм,

буюртмачининг бошқа харажатлари \_\_\_\_\_ минг сўм,

шундан сақлаш харажатлари \_\_\_\_\_ минг сўм.

8. Амалда тақдим этилган объектни кўриқдан ўтказиш ҳамда тегишли ҳужжатлар билан танишиш асосида таъмирлаш-қурилиш ишлари сифатига баҳо берилади

(қоникарли, қоникарсиз)

### Комиссия қарори

\_\_\_\_\_ объекти

(объектнинг номи ва жойлашган жойи)

бош пудратчидан фойдаланиш учун қабул қилинган деб ҳисоблансин.

Қабул қилиш комиссияси раиси \_\_\_\_\_

(Ф.И.О, лавозими)

(имзо)

Раис ўринбосари — «Давархитектқурилиш» кўмитасининг ҳудудий инспекцияси вакили \_\_\_\_\_

(фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими)

Комиссия аъзолари:

\_\_\_\_\_ (имзо, Ф.И.О.)

**Бош пудратчи ва ёрдамчи  
пудратчи ташкилотлар вакиллари  
топширдилар:**

**Фойдаланувчи ташкилотлар  
вакиллари қабул  
қилдилар:**

\_\_\_\_\_ (имзо, фамилияси, исми, отасининг исми)

\_\_\_\_\_ (имзо, фамилияси, исми, отасининг исми)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAХKAMACIНИНГ  
ҚАРОРИ**443** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзтрансгаз» акционерлик компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 8 августдаги ПҚ-438-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзтрансгаз» акционерлик компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 8 августдаги ПҚ-438-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 3 ноябрь,  
227-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 3 ноябрдаги 227-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 26 майдаги 185-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 5-сон, 18-модда) билан тасдиқланган Уй-жой фондида ва ижтимоий-маданий мақсадлардаги объектларда сув ва газни ҳисобга олиш асбобларини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш ҳақидаги низом II бўлимининг тўртинчи хатбошидаги «худудий коммунал-фойдаланиш бирлашмалари» сўзлари «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжалиқларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 5 январдаги 8-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 1-сон, 2-модда) 7-бандининг тўртинчи хатбоши «Ўзкоммунизмат» агентлиги» сўзларидан кейин «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг минтақалараро унитар корхоналари» сўзлари қўшилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Газ сарфини ҳисобга олиш приборлари харид қилиш учун Хитой Халқ Республикаси Ҳукуматининг имтиёзли кредитдан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 24 апрелдаги 140-сон қарори 2-бандининг тўртинчи хатбошидаги «Ўзкоммунизмат» агентлиги «Бошкоммунгаз» корхонасининг» сўзлари «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Молиялаштиришнинг марказлаштирилган манба-

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.*

лари ҳисобига қурилган фойдаланишга топширилаётган объектларнинг муҳандислик тармоқлари ва иншоотларини хизмат кўрсатувчи ташкилотлар балансига бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 26 октябрдаги 502-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 10-сон, 101-модда): 2-банди «Ўзкоммунхизмат» агентлиги сўзларидан кейин «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг минтақалараро унитар корхоналари сўзлари қўшилсин;

илованинг 1-банди «Ўзкоммунхизмат» агентлиги сўзларидан кейин «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг минтақалараро унитар корхоналари сўзлари қўшилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган корхоналар ва ташкилотларнинг маънавий эскирган ва тежамсиз буғ қозони агрегатларини 2007-2008 йилларда республика минтақалари бўйича алмаштириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида» 2006 йил 17 январдаги 7-сон қарорида:

3-банднинг учинчи хатбошидаги «Ўзкоммунхизмат» агентлигига сўзлари «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясига сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банд «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси сўзларидан кейин «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси сўзлари қўшилсин.

+

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**444** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 21 августдаги ПҚ-446-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 21 августдаги ПҚ-446-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 3 ноябрь,  
228-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 3 ноябрдаги 228-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида» 1998 йил 15 декабрдаги 523-сон қарорида:

а) 9-бандда «Ўзгеобурғунефтгазқазибчиқариш» сўзи «Ўзгеобурғунефтгаз», «Ўзнефтгазқазибчиқариш», «Ўзнефтгазқурилишинвест» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 10-банднинг биринчи ва иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«10. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси бошқарувининг раиси мақомига қўра Ўзбекистон Республикаси вазирига, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг бош бошқармаси бошлиғи — раиснинг биринчи ўринбосари — вазирнинг биринчи ўринбосарига, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси бош бошқармалари бошлиқлари — раиснинг ўринбосарлари — вазир ўринбосарларига тенглаштирилади.

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси бош бошқармаси бошлиғи — бошқарув раисининг биринчи ўринбосарига вазирларга белгиланган, бош бошқармалар бошлиқлари — бошқарув раисининг ўринбосарларига — вазирнинг биринчи ўринбосарларига белгиланган моддий ва маиший таъминот, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитлари сақлаб қолинсин.

в) 11-илованинг «Акциядорлик жамиятларининг шўъба корхоналари» бўлими 4-банди қўйидаги мазмундаги 4-6-бандлар билан алмаштирилсин:

«4. «Ўзгеобурғунефтгаз» акциядорлик компанияси

5. «Ўзнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси

6. «Ўзнефтгазқурилишинвест» акциядорлик компанияси».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш тизими ва уларни сотишда ҳисоб-китоб қилиш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 19 майдаги 225-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 5-сон, 38-модда):

а) 3-банднинг иккинчи хатбошида «Нефть маҳсулотлари минтақавий бошқармаси» сўзлари «Нефть базалари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

1. «Қорақалповистон Республикаси» бўлимининг 2-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Эллиққалъа нефть базаси

Тўрткўл филиали

Қоратов филиали»;

2) «Жиззах вилояти» бўлимининг 1-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Зарбдор филиали»;

3) «Қашқадарё вилояти» бўлимида:

1-бандда:

банд қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Айритом филиали»;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

2-банд қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Китоб филиали»;

4) «Навоний вилояти» бўлимида:

1-банд қўйидаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Зарафшон филиали»

«Учқудуқ филиали»;

2-банд чиқариб ташлансин;

«Наманган вилояти» бўлимининг 1-банди қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Поп филиали»;

6) «Самарқанд вилояти» бўлимида:

1-бандда:

банд қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Жомбой филиали»;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

2-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Зирабулоқ филиали»;

7) «Сурхондарё вилояти» бўлимининг 2-банди қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Олтинсой филиали»;

8) «Сирдарё вилояти» бўлимининг 1-банди иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

9) «Тошкент вилояти» бўлимининг 2-банди қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Қибрай филиали»;

10) «Фарғона вилояти» бўлимининг 1-банди қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Олтиариқ филиали»;

11) «Хоразм вилояти» бўлимида:

1-бандда:

банд қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ҳазорасп филиали»;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

2-банд чиқариб ташлансин;

12) «Ҳаммаси: 25 нефть базаси, 38 филиал» сўзлари «Ҳаммаси: 23 нефть базаси, 43 филиал ва 6 комплекс автосервис пункти (нефть базаларининг филиаллари)» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-иловининг номланишида «Нефть маҳсулотлари минтақавий бошқармаси» сўзлари «Нефть базалари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг бошқарув тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 21 октябрдаги 460-сон қарорида:

а) 2-банд ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 3-бандда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси ихтиёрига берилаётган 5-иловага мувофиқ корхоналар ва ташкилотлар рўйхати»;



- учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;  
в) 4-банднинг иккинчи хатбошида «Ўзгеобурғунефтвазқазибчиқариш» сўзи «Ўзгеобурғунефтваз», «Ўзнефтвазқазибчиқариш» сўзлари билан алмаштирилсин;  
г) 1—4 ва 6—8-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**445 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий гоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида» 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сон қарори)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий гоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида» 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 7 ноябрь,  
230-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 7 ноябрдаги 230-сон қарорига  
ЙЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 1994 йил 8 июндаги 288-сон қарорига:

а) 1-банднинг:

биринчи хатбошидаги «Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази» сўзлари «Республика Маънавият тарғибот маркази» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

учинчи хатбошидаги «Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг» сўзлари «Республика Маънавият тарғибот марказининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.*

б) 2-банднинг:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Республика Маънавият тарғибот маркази қуйи бўлимларининг тузилиши ва штатлар жадвали (техник ходимлар бундан мустасно) 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин»;

иккинчи хатбошининг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидаги «Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг» сўзлари «Республика Маънавият тарғибот марказининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-банд ва 6-банднинг еттинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) қарорга 1 ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

д) 3-иловада:

илованинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Республика Маънавият тарғибот маркази қуйи бўлимларининг тузилиши ва штатлар жадвали»;

«Марказ бошқаруви» бўлими чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ҳузуридаги «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 1996 йил 27 сентябрдаги 338-сон қарорининг 9-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида» 1998 йил 13 майдаги 203-сон қарорига 1-илованинг 4-бўлими 4.9-бандидаги «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази» сўзлари «Республика Маънавият тарғибот маркази» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика «Оила» илмий-амалий маркази Иштирокчилар Кенгаши таркиби тўғрисида» 2001 йил 30 майдаги 242-сон қарорига илованинг 13-бандидаги «Болиев А.О. — Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари» сўзлари «Ҳожиматов М. — Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида» 2003 йил 22 августдаги 364-сон қарориди:

а) 1-илова матнидаги «Маънавият ва маърифат» маркази» ва «Қ. Аъзамов» сўзлари тегишлича «Республика Маънавият тарғибот маркази» ва «М. Ҳожиматов» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловадаги «Аъзамов Қ. — Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари» сўзлари «Ҳожиматов М. — Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 27 майдаги 244-сон қарорига иловадаги «Баротов Шариф — Маънавият ва маърифат» марказининг» сўзлари «Лавозим бўйича — Республика Маънавият тарғибот марказининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 16 июлдаги 337-сон қарорига 1-иловадаги «Аъзамов Қ.А. — Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари» сўзлари «Ҳожиматов М. — Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Мустақиллик куни ва Наврўз умумхалқ байрамла-

рига тайёргарликни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 23 июлдаги 357-сон қарорига иловадаги «Аъзамов Қ.А. — Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари» сўзлари «Ҳожиматов М. — Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Зулфия» номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг янги таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2006 йил 1 февралдаги 12-сон қарорига иловадаги «Аъзамов Қ. — Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари» сўзлари «Ҳожиматов М. — Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAᖘKAMACINING  
ҚАРОРИ

**446** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида» 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида» 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларда хизмат енгил автотранспортдан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида» 1999 йил 2 апрелдаги 154-сон қарорига 1-илованинг 40-бандидаги «Республика «Маънавият ва маърифат» жамоат маркази» сўзлари «Республика маънавият тарғибот маркази» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат бошқаруви ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 5 январдаги 2-сон қарорига 1, 1а ва 1б-иловалар «Ҳокимнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси — 1» устуни билан тўлдирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика комиссия ва кенгашлари таркибини тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 26 июлдаги 358-сон қарорига 1-иловадаги «Қ. Аъзамов — Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари» сўзлари «М. Ҳожиматов — Республика маънавият тарғибот маркази раҳбари» сўзлари билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 7 ноябрь,  
231-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**447 Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасида беғараз кўмакни жалб этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ички ва ташқи ҳомийларнинг оммавий ахборот воситалари фаолиятига беғараз кўмагини жалб этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш ҳамда оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасида беғараз кўмакни жалб этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. 2007 йил 1 январдан бошлаб оммавий ахборот воситалари тахририятлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари ва фуқароларидан олинган беғараз кўмак бўйича давлат статистика ҳисоботи жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси оммавий ахборот воситалари тахририятлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари ва фуқароларидан беғараз кўмакни жалб этиш, ўзлаштириш ва мақсадли фойдаланиш мониторинги бўйича давлат статистика ҳисоботи шаклини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Н. Арипов ва Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 8 ноябрь,  
232-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 8 ноябрдаги 232-сон қарорига  
ИЛОВА

**Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш  
ва ривожлантириш соҳасида беғараз кўмакни жалб этиш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ****I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситаларининг (кейинги ўринларда «ОАВ» деб юритилади) иқтисодий мустақиллигини таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасига беғараз кўмакни жалб этиш тартибини белгилайди.

2. ОАВни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасида беғараз кўмак (кейинги ўринларда «беғараз кўмак» деб юритилади) дейилганда:

юридик ва жисмоний шахсларнинг молиявий эҳсонлари ва бошқа эҳсонлари; ташкилотларнинг молиявий маблағлари ва техник кўмаклашиш доирасидаги молмулки, грантлари ва бошқа беғараз ёрдами, шу жумладан сафарлар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва чет элда ўтказиладиган тренинглар, семинарлар, конференциялар билан боғлиқ сарф-харажатларни қоплаш;

беғараз хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш тушунилади.

Оммавий ахборот воситаси дейилганда оммавий ахборотни даврий шаклда тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ва олти ойда камида бир марта босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) чиқариш ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, кино-, видеодастурлар, Интернет-нашрлар ва бошқалар) эфирга бериш шакли (кейинги ўринларда «чиқариш» деб юритилади) ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари тушунилади.

Оммавий ахборот воситаси тахририяти дейилганда оммавий ахборот воситасини чиқарувчи юридик шахс ёки юридик шахснинг таркибий бўлинмаси тушунилади.

## II. Маблағларни жалб этиш қоидалари

3. ОАВ тахририятлари юридик ва жисмоний шахслардан беғараз кўмак олиш ҳуқуқига эгадир, мазкур Низомнинг 4-бандида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4. ОАВ тахриятларига:

хорижий давлатлар;

халқаро, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари;

чет эллик қатнашчининг улуши 30 фоиздан ортиқ бўлган хорижий инвестициялар жалб этилган корхоналар;

хорижий фуқаролар;

фуқаролиги бўлмаган шахслар;

диний ташкилотлар, улар юридик шахс — ОАВнинг тахририяти устав фондида қатнашган ҳоллар бундан мустасно;

номи яширилган шахслар ёки тахаллус остидаги шахслар томонидан тўғридан-тўғри беғараз кўмак берилишига йўл қўйилмайди.

Кўрсатиб ўтилган тоифалар ОАВ тахририятларига Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди орқали кўмаклашиш ҳуқуқига эгадир.

5. ОАВ тахририятлари томонидан бир йил мобайнида кўмакнинг бир манбаидан олинган беғараз кўмак маблағлари суммаси (натура ифодасида кўмак берилган тақдирда — пул ифодасида қайта ҳисоблаб чиқилади) тахририятнинг тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ йиллик харажатлар умумий суммасининг 35 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

ОАВ тахририятлари беғараз кўмак олинган кундан бошлаб бир ой мобайнида белгиланган миқдордан ортиқча суммани кўмаклашган шахсга қайтариши шарт.

Белгиланган миқдордан ортиқ маблағлар суммасини қайтариш кўмаклашган шахснинг ҳисоб-китоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Қайтариш имконияти бўлмаган тақдирда ушбу сумма Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг ҳисоб-китоб рақамига ўтказилади.

Натура ифодасида олинган беғараз кўмакнинг бир қисмини (пул ифодасида қайта

ҳисоблаб чиқилгандан кейин) қайтариш зарур бўлганда, тахририят тегишли мол-мулкни Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига беради. Фонд ундан ўз устав фаолиятини амалга ошириш мақсадида фойдаланади.

ОАВни чиқариш учун зарур бўлган харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ белгиланади.

6. ОАВ тахририятлари беғараз кўмакдан қатъий равишда ўз устав фаолиятини амалга ошириш мақсадида фойдаланадилар.

Беғараз кўмакдан бошқа мақсадларда фойдаланиш тақиқланади.

7. Беғараз кўмаклашаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг ОАВни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга, тахририятларнинг ижодий фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди.

8. Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари пул маблағлари шаклида эҳсон бераётганда ушбу пул маблағларини юридик шахслар учун нақд бўлмаган ҳисоб-китоблар қоидаларида назарда тутилган реқвизитларни кўрсатган ҳолда ОАВ тахририятларининг ваколатли банкдаги ҳисоб-китоб рақамларига ўтказадилар.

9. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари пул маблағлари шаклида эҳсон бераётганда ушбу пул маблағларини фуқаронинг паспортини ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжатни кўрсатган ва тўлов ҳужжатида ўзининг фамилияси, исми, отасининг исми ва паспортдаги бошқа маълумотларни кўрсатган ҳолда ОАВ тахририятларининг ваколатли банкдаги ҳисоб-китоб рақамларига ўтказадилар.

10. ОАВ тахририятларига нақд пул маблағларини бевосита бериш йўли билан беғараз кўмаклашишга йўл қўйилмайди.

### III. Ҳисобга олиш ва назорат қилиш

11. Ўзбекистон Республикаси жамоатчилиги ва давлат органларининг ОАВни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасида беғараз кўмак олиниши ва фойдаланилиши тўғрисидаги ахборотга эркин эга бўлишини таъминлаш мақсадида тегишли ОАВ тахририятлари:

йилнинг ҳар чорагида Ўзбекистон Республикасининг даврий босма нашрларида беғараз кўмак олиниши ҳажми ва манбалари (беғараз кўмак олинган тақдирда) тўғрисидаги маълумотларни эълон қиладилар:

қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда ва тартибда давлат статистика ва солиқ хизмати органларига ҳисобот даврида тушган ва сарфланган беғараз кўмак тўғрисида белгиланган шакл бўйича ҳисобот тақдим этадилар.

12. Беғараз кўмак пулдан бошқа шаклда (натура ифодасида) олинган тақдирда олувчи (ОАВ тахририяти ёки Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди) қонун ҳужжатларига мувофиқ уни пул ифодасида баҳолайди ва тегишли маълумотларни, шу жумладан кўмаклашиш манбалари тўғрисидаги маълумотларни матбуотда эълон қилинадиган ва ваколатли органларга тақдим этиладиган ҳисоботларга киритади.

13. ОАВни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасида беғараз ташқи кўмакни ҳисобга олиш ва назорат қилиш масалалари Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро, хорижий ҳукумат ташкилотларидан ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилот-

лардан олинадиган техник кўмак, грантлар ва мурувват ёрдами молиявий маблағларини ҳисобга олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 4 февралдаги 56-сон ва «Инвестиция лойиҳаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш мониторинги механизмларини такомиллаштириш, мурувват ёрдами юқларини ва техник кўмаклашиш маблағларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 15 ноябрдаги 251-сон қарорлари билан белгиланган тартибда тартибга солинади.

#### IV. Якуний қоидалар

14. Мазкур Низомга риоя этилиши устидан назорат қилишни қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли ваколатли давлат органлари амалга оширади.

15. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавоб беради.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **448** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ–475-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ–475-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

#### **Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 9 ноябрь,  
234-сон



Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 9 ноябрдаги 234-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 21 январдаги 45-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг уставида:

а) 17-банднинг олтинчи хатбошида «облигациялар ва бошқа қийматли қоғозлар» сўзлари «қимматли қоғозлар (облигациялардан ташқари)» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 18-бандда:

учинчи хатбошидан «облигациялар» сўзлари чиқариб ташлансин;

ўн бешинчи хатбошида: «(чеклар, аккредитивлар, векселлар, акциялар, облигациялар ва бошқа шу кабилар)» сўзлари «(облигациялардан ташқари)» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент республика фонд биржасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ва қийматли қоғозлар бозори инфраструктурасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1994 йил 8 июндаги 285-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қийматли қоғозлар билан битишувлар тузиш ва уларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-банди иккинчи хатбошида «акционерлик жамиятлари ва бошқа корхоналар томонидан чиқариладиган облигациялар» сўзлари «очиқ акциядорлик жамиятлари томонидан чиқариладиган облигациялар» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 19 апрелдаги 189-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2003 й., 4-сон, 32-модда) Акциядорлик жамиятининг Кузатувчи кенгаши тўғрисидаги Намунавий низомнинг 4-банди қуйидаги мазмундаги ўн тўртинчи ва ўн бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«агар жамиятнинг устав фондида жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш кузатувчи кенгашнинг ваколатига киритилмаган ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши билан унга топширилмаган бўлса, жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда, навбатдаги йилга жамиятнинг бизнес-режаси жорий йилнинг 1 декабридан кечикмай кузатувчи кенгаш мажлисида маъқулланиши керак;

ички аудит хизматини ташкил ва унинг ходимларини тайинлаш»;

ўн тўртинчи—йигирма еттинчи хатбошилар тегишли равишда ўн олтинчи—йигирма тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.



**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР  
БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ  
МАРКАЗИНИНГ  
ҚАРОРИ

**449 Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни  
чиқариш, давлат рўйхатига олиш ва сўндириш (бекор қилиш) тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
7 ноябрда 1216-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 17 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-475-сон қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Марказий банк Бошқаруви ва Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази **қарор қиладилар:**

1. Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни чиқариш, давлат рўйхатига олиш ва сўндириш (бекор қилиш) тартиби тўғрисида низомга (2003 йил 12 февраль, рўйхат рақами 1216) иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 30 октябрь,  
228-В-4-сон

**Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази бош директори К. ТОЛИПОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 30 октябрь,  
2006-12-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ХАЙЪАТНИНГ  
ҚАРОРИ**450** Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нотариал  
фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи ли-  
цензия бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
8 ноябрда 1637-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 18 ноябрдан кучга киради)*

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент ша-  
ҳар адлия бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нота-  
риал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни бериш, лицензия  
беришни рад этиш, қайта расмийлаштириш, лицензияни амал қилишни тўхтатиб  
туриш ва қайта тиклаш, тугатиш ҳамда бекор қилишни янада такомиллаштириш  
мақсадида ҳамда «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг  
3-моддасига мувофиқ, Адлия вазирлиги хайъати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нотариал фаолият билан шуғулла-  
ниш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага муво-  
фиқ тасдиқлансин ва у давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтган-  
дан кейин кучга киритилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар  
адлия бошқармалари бошлиқлари:

мазкур Низом талабларига қатъий риоя этишни;

нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни бериш  
малака комиссияларининг қарорлари асосида берилишини таъминласинлар.

3. Нотариат, ФХДЁ ва адвокатура бошқармаси (И.И. Юсубжонов):

жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида мазкур Низомни амалиётга татбиқ этиш  
юзасидан адлия бошқармалари қошидаги малака комиссиялари аъзолари иштироки-  
да семинар машғулоти ўтказишни;

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент ша-  
ҳар адлия бошқармалари томонидан мазкур Низом талабларини бажарилишини  
мунтазам равишда назорат қилиб боришни таъминласин.

4. Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси  
(С.У. Саттаров) ушбу хайъат қарорини давлат рўйхатидан ўтказсин ва Ўзбекистон  
Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий  
ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

5. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (У.Т. Аюбов)  
ушбу хайъат қарорини «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» —  
«Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этишни таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хайъатининг 1997 йил 28 ап-  
рель 33-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига  
нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш тартиби  
тўғрисидаги низом ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Е.С. Канъязов зиммасига юклатилсин.

**Ҳайъат раиси, вазир Б. МУСТАФОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 8 ноябрь,  
28-сон

Адлия вазирлигининг  
2006 йил 8 ноябрь 28-сон Ҳайъат  
қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нотариал фаолият  
билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

— Мазкур Низом «Нотариат тўғрисида»ги, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 10 мартдаги 126-сонли «Нотариат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар бериш ва лицензия берганлик учун давлат божи тўлаш тартиби тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нотариал фаолият билан шуғулланишни лицензиялаш тартибини белгилайди. +

**I. Умумий қоидалар**

1. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни бериш, лицензия беришни рад этиш, қайта расмийлаштириш, лицензияни амал қилишини тўхтатиб туриш ва қайта тиклаш, тугатиш ҳамда бекор қилиш тўғрисидаги қарор Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (кейинги ўринларда матнда адлия бошқармаси деб юритилади) ҳузуридаги малака комиссиялари (кейинги ўринларда матнда малака комиссияси деб юритилади) қарорлари асосида берилади.

2. Малака комиссияси фаолиятини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган мазкур комиссия тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

3. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган шахслар, шу жумладан нотариуслар лицензиат ҳисобланадилар.

4. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга:

а) олий юридик маълумотга эга Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган;  
б) давлат нотариал идорасида ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ҳузурида стажировкани ўтаган;

в) малака имтихонидан ўтган шахслар эга бўлиши мумкин.

5. Стажировкадан ўтган ва нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олиш тўғрисида белгиланган тартибда ариза берган шахслар малака комиссиясига малака имтихони топширадилар.

6. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амал қилади.

7. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олган лицензиат ундан фақат ўзи фойдаланиши лозим. Лицензияни ёки унга доир ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

Лицензиянинг амал қилиш муддати чекланмаган.

8. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни бошқача тартибда ёки малака имтиҳони ўтказмасдан беришга йўл қўйилмайди.

## II. Малака имтиҳонини ўтказиш тартиби

9. Лицензия талабгори тегишли адлия бошқармасига шахсан қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- а) лицензия олиш тўғрисида ариза;
- б) паспорт нусхаси;
- в) белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
- г) меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- д) олий юридик маълумоти тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси (лозим бўлганда нострификация ҳақидаги гувоҳнома);
- е) стажировка ўталганлиги тўғрисидаги стажёр раҳбарининг хулоса ва тавсифномаси ҳамда стажёр этиб тайинлаш ҳақидаги буйруқ нусхаси;
- ж) стажировка ўташ талаб этилмайдиган шахсларнинг меҳнат фаолияти ҳақида иш жойидан тавсифнома;
- з) 3x4 ҳажмдаги 2 дона фотосурат;
- и) малака комиссияси иши билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдориди йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Лицензия талабгоридан мазкур бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

10. Лицензия талабгори қўйидаги ҳолларда малака имтиҳонига киритилмайди:

- а) мазкур Низомнинг 3-банди «а» ва «б» кичик бандлари талабларига жавоб бермаганда;
- б) мазкур Низомнинг 8-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тўлиқ бўлмаган ҳажмда ва лозим тарзда расмийлаштирмай тақдим этганда;
- в) тақдим этган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги аниқланганда;
- г) суд тартибида нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилганда;
- д) қасддан жиноят содир этганлиги учун судланганлиги олиб ташланмаганда ёки судланганлик ҳолати тугалланмаганида.

11. Аризаларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, малака имтиҳонини топширишга ҳужжатлар тайёрлаш ва йиғмажилдга тикиш малака комиссиясининг масъул котиби томонидан амалга оширилади. Аризалар махсус рўйхатга олиш китобида қайд этилади.

12. Малака имтиҳони ариза қабул қилинган кундан бошлаб 1 ойдан кечиктирмай белгиланган тартибда ўтказилади ва лицензия талабгорига малака имтиҳони тайинланганлиги, уни ўтказиш жойи ва вақти тўғрисида ёзма равишда малака имтиҳони ўтказилишидан 10 кун олдин хабардор қилиниши лозим.

13. Малака имтиҳони малака комиссияси томонидан ёзма-оғзаки равишда ўтказилади.

14. Малака имтиҳони малака комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади. Малака имтиҳони барча лицензия талабгорлари учун бир йўла бир хонада ўтказилади.

Малака имтиҳони жараёнида комиссия аъзолари ва лицензия талабгорларидан ташқари бегона шахсларнинг ҳозир бўлишига рухсат берилмайди.

15. Комиссия мажлисида масъул котиб унда иштирок этаётган комиссия аъзоларини ҳамда малака имтиҳонида иштирок этишга қўйилган лицензия талабгорлари рўйхатини, шу жумладан малака имтиҳони куни ҳозир бўлган ва келмаган лицензия талабгорларининг рўйхатини ўқиб эшиттиради.

Комиссия мажлисида раислик этувчи ёки комиссия масъул котиби ҳар бир лицензия талабгорининг меҳнат фаолияти, ўталган стажировка якунлари бўйича хулоса ва тавсифнома тўғрисида қисқача маълумот беради.

16. Ҳар бир лицензия талабгорига имтиҳон варақаси тарқатилади. Имтиҳон варақаси адлия бошқармасининг раҳбари томонидан имзоланган ва гербли муҳр билан тасдиқланган бўлиши шарт.

17. Малака имтиҳони билетидаги саволларга ёзма жавоб ёзиш ва улар бўйича оғзаки жавобга тайёрланиш учун икки соат вақт ажратилади.

18. Малака имтиҳони 5 та саволдан иборат билет асосида ўтказилади. Малака имтиҳони билетидаги саволларга ёзма жавоблар фақатгина имтиҳон варақасига ёзилади.

Лицензия талабгорига жавоб ёзиш учун имтиҳон варақаси етарли бўлмаган тақдирда, унга қўшимча имтиҳон варақаси берилади.

19. Малака имтиҳони билетидаги саволларга тайёрланиш жараёнида лицензия талабгорига қуйидагилар тақиқланади:

а) қонунчилик ҳужжатлари, махсус адабиётлар, уяли алоқа воситаси ёки бошқа материаллардан (маълумотлардан) фойдаланиш;

б) бошқа лицензия талабгорлари билан суҳбатлашиш;

в) ўз имтиҳон варақасини топширгунга қадар малака имтиҳони ўтказилаётган хонадан ташқарига чиқиш.

20. Малака имтиҳони билетидаги саволларга жавоб тайёрлаб бўлган лицензия талабгори комиссияга оғзаки жавоб беради. Комиссия аъзолари айрим жавобларни ҳамда лицензия талабгорининг билим даражасини аниқлаштириш мақсадида қўшимча саволлар беришлари мумкин.

21. Саволларга жавоб бериб бўлган лицензия талабгорига ўз имтиҳон варақасини топширгандан сўнг хонадан чиқишга рухсат берилади. Имтиҳон варақалари мажлис баённомасига илова қилинади.

22. Малака имтиҳони натижалари бўйича малака комиссиясининг қарори мажлисда иштирок этаётган малака комиссияси аъзоларининг қўпчилик овози билан қабул қилинади.

Овоз бериш малака имтиҳони топширувчининг йўқлигида очик равишда ўтказилади. Комиссия аъзоларининг алоҳида фикрлари баённомага киритилади. Овозлар тенг бўлганида комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

23. Малака имтиҳони ўтказувчи малака комиссияси мажлисида баённома юритилади ва у комиссия раиси, масъул котиб ва малака имтиҳонида қатнашган бошқа комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

24. Малака комиссияси мажлиси баённомасида қуйидагилар кўрсатилиши шарт: малака имтиҳони ўтказиш жойи ва санаси, унинг бошланиш ва якунланиш вақти; малака имтиҳонида қатнашган комиссия аъзоларининг рўйхати;

малака имтиҳонида ҳозир бўлган ва унга келмаган лицензия талабгорлари рўйхати;

ҳар бир лицензия талабгори томонидан олинган билет рақами ва ундаги саволлар мазмуни;

лицензия талабгори томонидан билетдаги саволларга жавоб берган ёки бермаганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

айрим жавобларни ҳамда лицензия талабгорининг билим даражасини аниқлаштириш мақсадида комиссия аъзолари томонидан берилган саволлар ва лицензия талабгорининг жавоблари мазмуни;

овоз бериш натижалари;

малака имтиҳони яқунлари бўйича комиссия қарори;

комиссия қарори устидан шикоят қилиш тартиби ва муддати;

малака имтиҳонини ўтказиш масалаларига тааллуқли бўлган бошқа маълумотлар.

25. Малака комиссияси мажлиси баённомаси икки нусхада тузилади. Малака имтиҳонидан сўнг уч кун ичида баённоманинг бир нусхаси лицензия бериш тўғрисида буйруқ қабул қилиш учун адлия бошқармаси бошлиғига тақдим этилади, иккинчи нусхаси малака имтиҳони бўйича йиғмажилдга тикилади.

26. Малака комиссияси қарори шу куннинг ўзида малака имтиҳонида иштирок этган лицензия талабгорларига ўқиб эшиттирилади.

27. Масъул котиб томонидан малака имтиҳонида иштирок этган лицензия талабгорларига уч кун ичида комиссия қароридан кўчирма берилади ва бу ҳақда тилхат олинади. Қарор кўчирмасида комиссия қарори устидан шикоят қилиш тартиби кўрсатилади.

28. Малака имтиҳонидан ўта олмаган лицензия талабгори малака комиссиясининг қарори чиққан кундан бошлаб камида бир йилдан сўнг қайта малака имтиҳони топширишга қўйилади.

29. Малака имтиҳонидан ўта олмаган лицензия талабгорининг ёзма мурожаатига асосан комиссия қароридан кўчирма топширилгандан кейин бир ой ўтгач аризага илова қилинган барча ҳужжатлар (ариза ва йиғим тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатдан ташқари) қайтарилиши мумкин.

30. Талаб қилиб олинмаган ҳужжатлар адлия бошқармасида малака комиссияси қарор қабул қилган кундан бошлаб уч йил сақланади, сўнгра белгиланган тартибда йўқ қилинади.

### III. Лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тартиби

31. Малака имтиҳони натижалари бўйича малака комиссияси лицензия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

32. Малака комиссиясининг лицензия бериш тўғрисидаги қарори адлия бошқармаси томонидан лицензия бериш учун асос бўлади.

33. Малака комиссияси қарори қабул қилинганидан сўнг уч кундан кечикмай малака имтиҳонидан ўтган лицензия талабгорига банк ҳисобварағи реквизитлари ва давлат божини тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма равишда хабарнома юборилади (топширилади).

34. Лицензия талабгори малака имтиҳонини топширгандан сўнг, бир ой мобайнида энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этгандан кейин унга лицензия берилади.

35. Агар лицензия талабгори унга хабарнома юборилган (топширилган) пайт-

дан эътиборан уч ой ичида лицензия берганлик учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаган бўлса, малака комиссиясининг лицензия бериш тўғрисидаги қарори бекор қилинади.

#### **IV. Лицензияни расмийлаштириш ва қайта расмийлаштириш тартиби**

36. Лицензия тегишли бланкда расмийлаштирилади ва адлия бошқармаси бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) томонидан имзоланади ва гербли муҳр билан тасдиқланади.

37. Лицензия бланклари қатъий ҳисобот ҳужжати ҳисобланади ва ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ҳамда ҳимояланганлик даражасига эга бўлиши лозим.

38. Лицензия бланкалари намуналари ва уларни тайёрлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

39. Лицензия йўқолган тақдирда лицензиатнинг аризасига кўра унинг дубликати берилди. Дубликат беришда энг кам ойлик иш ҳақининг ярим баравари миқдо-  
рида йиғим ундирилади.

40. Лицензиатнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарган тақдирда, бир ҳафталик муддатда адлия бошқармасига ушбу маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда, лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт. Нотариал фаолиятни ушбу талабларни бузган ҳолда амалга ошириш, фаолият билан лицензиясиз шуғулланганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

41. Лицензияни қайта расмийлаштириш тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда беш кун ичида амалга оширилади.

Лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар нотариус нотариал фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

Лицензия қайта расмийлаштирилганда лицензияларни рўйхатга олиш реестрига тегишли ўзгаришлар киритилади.

42. Лицензияни қайта расмийлаштириш учун лицензиат аризасини кўриб чиққанлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярим баравари миқдорида йиғим ундирилади.

#### **V. Лицензиялар реестрини юритиш тартиби**

43. Адлия бошқармаси нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар реестрини юритади.

Реестрда қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

лицензиатнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, паспорт серия рақами ва ким томонидан берилганлиги;

лицензиянинг тартиб рақами ва берилган санаси;

лицензия олинган сана ва лицензия олувчининг имзоси;

лицензияни қайта расмийлаштириш асослари ва санаси;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва қайта тиклаш асослари, санаси;

лицензиянинг амал қилишини тугатиш ва лицензияни бекор қилиш асослари, санаси.

44. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни рўйхатга олиш реестри тикилган, рақамланган ва адлия бошқармаси раҳбарининг



имзоси ва бошқарманинг муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим. Реестрнинг сақланиш муддати 75 йил.

#### VI. Лицензияни амал қилишини тўхтатиб туриш тартиби

45. Лицензиянинг амал қилиши малака комиссияси қарорига биноан қўйидаги ҳолларда 6 ойгача тўхтатиб турилиши мумкин:

нотариус жиноий жавобгарликка тортилганда, у айбланувчи сифатида жавобгарликка тортилганидан бошлаб суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар ёхуд оқловчи асосларга биноан уни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилингунга қадар;

нотариуснинг қонун ҳужжатлари талабларини бузганлиги аниқланганда;

лицензияловчи органнинг нотариус зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлари нотариус томонидан бажарилмаганда.

46. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор ҳақида нотариусга ёзма шаклда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай асосланган далиллар билан хабар қилиниши лозим.

Нотариус қарорни олган кундан эътиборан ўн кун ичида Реестр китобларини далолатнома тузиш йўли билан тегишли адлия бошқармасига топшириши лозим.

47. Лицензияни амал қилишини тўхтатилганлиги ва тикланганлиги тўғрисида маҳаллий матбуотда ва «Инсон ва қонун» рўзномасида эълон қилинади.

48. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

#### VII. Лицензиянинг амал қилишини тугатиш тартиби

49. Лицензиянинг амал қилиши малака комиссиясининг қарорига асосан қўйидаги ҳолларда тугатилади:

лицензиатнинг лицензияни амал қилишини тугатиш тўғрисидаги аризасига биноан;

лицензиат қасддан жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган тақдирда — ҳукм қонуний кучга кирганда;

лицензиат қонунда белгиланган тартибда муомала лаёқати чекланган ёки муомала лаёқатига эга эмас деб топилганда;

нотариус ўз касбий вазифаларини мунтазам равишда ёхуд бир маротаба қўпол тарзда бузганда;

нотариус лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақидаги малака комиссиясининг қарорини бажармай фаолиятини давом эттирганда;

малака комиссиясининг лицензия бериш тўғрисидаги қарорининг қонунга ҳилофлиги аниқланганда;

лицензиат Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда.

Лицензиянинг амал қилиши суднинг қарорига биноан ҳам тугатилиши мумкин.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор у берилган санадан эътиборан амал қилади.

Лицензияни амал қилишини тугатиш тўғрисидаги малака комиссияси қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

50. Лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор ҳақида лицензи-



атга ёзма шаклда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай асосланган далиллар билан хабар қилиниши лозим.

51. Лицензиат лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан ўн кун ичида лицензияни адлия бошқармасига қайтариши ва у белгиланган тартибда йўқ қилиниши лозим.

52. Лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида маҳаллий матбуотда ва «Инсон ва қонун» рўзномасида эълон қилинади.

53. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лицензиясининг амал қилиши тугатилган тақдирда, у юридик шахс сифатида белгиланган тартибда тугатилади.

54. Лицензиясининг амал қилиши тугатилган нотариус дарҳол идора муҳри ва штампларини адлия бошқармасига белгиланган тартибда йўқ қилиш учун топширади. Шунингдек, у нотариал ҳаракатлар бўйича барча ҳужжатларни адлия бошқармаси белгилаган нотариал идорага далолатнома асосида топшириши лозим. Далолатнома адлия бошқармасининг масъул ходими иштирокида тузилади ва имзоланади.

55. Нотариус билан меҳнат шартномасининг бекор қилиниши лицензияни амал қилишини тугатилишига олиб келмайди.

56. Лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан эътиборан нотариуснинг фаолияти тугатилади.

### **VIII. Лицензияни бекор қилиш тартиби**

57. Лицензияни бекор қилиш малака комиссиясининг қарорига асосан қуйидаги асосларга кўра амалга оширилади:

лицензиатнинг аризасига биноан;

агар лицензиат унга лицензия бериш тўғрисидаги қарор қабул қилингани ҳақидаги хабарнома юборилган (топширилган) пайтдан эътиборан уч ой ичида лицензияловчи органга лицензия берганлик учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаган бўлса;

лицензия сохта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда.

Лицензия суднинг қарорига биноан ҳам бекор қилиниши мумкин.

Лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарор у берилган санадан эътиборан амал қилади.

Лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Лицензиянинг бекор қилиниши нотариуснинг ўз касбий фаолиятини бажаришдаги ҳаракатларини ноқонуний деб топишга сабаб бўлмайди, унинг айрим ҳаракатларини белгиланган тартибда ноқонуний деб топиш ҳоллари бундан мустасно.

58. Лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарор адлия бошқармаси томонидан лицензиатга ёзма шаклда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай асосланган далиллар билан етказилади.

Лицензиат лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан ўн кун ичида лицензияни адлия бошқармасига қайтариши ва у белгиланган тартибда йўқ қилиниши лозим.

59. Лицензияни бекор қилинганлиги тўғрисида маҳаллий матбуотда ва «Инсон ва қонун» рўзномасида эълон қилинади.

60. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лицензиясининг амал қили-

ши тугатилган тақдирда, у юридик шахс сифатида белгиланган тартибда тугатилади.

61. Лицензияси бекор қилинган нотариус дархол идора муҳри ва штампларини адлия бошқармасига белгиланган тартибда йўқ қилиш учун топширади. Шунингдек, нотариал ҳаракатлар бўйича архив ҳужжатларини адлия бошқармаси белгилаган нотариал идорага далолатнома асосида топшириши лозим. Далолатнома адлия бошқармасининг масъул ходими иштирокида тузилади ва имзоланади.

62. Нотариус билан меҳнат шартномасининг бекор қилиниши лицензияни бекор қилинишига олиб келмайди.

63. Лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан эътиборан нотариуснинг фаолияти тугатилади.

### **IX. Малака комиссияси қарори устидан шикоят қилиш тартиби**

64. Малака комиссиясининг қарори устидан тегишли қарор олингандан сўнг бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги апелляция комиссиясига (кейинги ўринларда матнда — апелляция комиссияси деб юритилади) шикоят қилиниши мумкин.

Шикоят тегишли адлия бошқармаси орқали ёки бевосита апелляция комиссиясига берилиши мумкин.

65. Адлия бошқармаси шикоят қабул қилинган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмай шикоят билан биргаликда унга тегишли барча ҳужжатларни апелляция комиссиясига юборади.

66. Шикоят бериш муддати давомида Адлия вазирлиги томонидан қонунчилик талаблари бузилганлиги ҳолатлари аниқланса, мазкур масала, шикоят берилган ёки берилмаганлигидан қатъи назар, апелляция комиссиясида кўриб чиқилади.

Бундай ҳолда, апелляция комиссияси барча ҳужжатларни тегишли адлия бошқармасидан кўриб чиқиш учун талаб қилиб олишга ҳақли.

67. Апелляция комиссияси тегишли шикоятни кўриб чиқиш жараёнида шикоятда кўрсатилмаган, лекин тўғри қарор қабул қилиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни ўрганиб чиқиши ва инобатга олиши мумкин.

68. Апелляция комиссиясига келиб тушган шикоятлар бўйича комиссия қўйидаги қарорлардан бирини қабул қилишга ҳақли:

а) малака комиссияси қарорини ўзгаришсиз қолдириш ва шикоятни қаноатлантиришни рад этиш;

б) малака комиссияси қарорини бекор қилиш ва малака комиссияси томонидан такроран малака имтиҳони ўтказиш;

в) малака комиссияси қарорига ўзгартириш киритиш ёки янги қарор чиқариш.

69. Малака комиссиясининг қарорини ўзгаришсиз қолдириш ва шикоятни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қўйидаги ҳолларда қабул қилинади:

а) шикоят ушбу Низом талабларига тааллуқли бўлмаса;

б) шикоятда кўрсатилган вазиятлар ўз тасдиғини топмаса.

70. Малака комиссияси қарорини бекор қилиш ва малака комиссияси томонидан такроран малака имтиҳони ўтказиш тўғрисидаги қарор қўйидаги ҳолларда қабул қилинади:

а) малака имтиҳони мазкур Низом талабларига зид равишда ўтказилган бўлса;

б) малака имтиҳони ўтказиш жараёнида лицензия талабгорларининг жавоблари ноҳолис баҳоланганлиги тўғрисида асослантирилган хулосага келинса.

71. Малака комиссияси қарорига ўзгартириш киритиш ёки янги қарор чиқариш кўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

а) қарор мазкур Низом талабларига зид равишда қабул қилинган бўлса;

б) лицензияни амал қилинишини тўхтатиб туриш муддати тўғри белгиланмаганлиги аниқланса.

72. Такроран малака имтиҳони ўтказиш тўғрисидаги апелляция комиссиясининг қарори нусхаси кейинги кундан кечиктирилмай тегишли адлия бошқармасига юборилади. Адлия бошқармаси қарор нусхасини олгандан сўнг мазкур Низомда белгиланган тартибда такроран малака имтиҳони ўтказилади.

73. Адлия бошқармаси аризачига такроран малака имтиҳони тайинланганлиги, уни ўтказиш жойи ва вақти тўғрисида ёзма хабар қилиши лозим.

74. Такроран ўтказилган малака имтиҳони натижалари бўйича қабул қилинган қарор нусхаси у қабул қилинган кундан бошлаб уч кун ичида апелляция комиссиясига тақдим этилади.

75. Апелляция комиссияси шикоятларни кўриб чиқиш билан бир вақтда мазкур Низом талабларининг бузилишига айбдор бўлган адлия идоралари ходимларининг айбдорлик даражасини аниқлайди ва айбдор шахсларни жавобгарлиги масаласини ҳал этиш бўйича тегишли адлия бошқармаси бошлиғи ёки Адлия вазирлигига аниқ таклифлар киритади.

76. Апелляция комиссиясига шикоят берган шахс ҳар қандай босқичида ўз шикоятини ёзма мурожаати асосида қайтариб олишга ҳақли.

77. Апелляция комиссияси қарорлари устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ХАЙЪАТНИНГ  
ҚАРОРИ

**451** Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идораларида ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ҳузурида стажировка ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
8 ноябрда 1638-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 18 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идоралари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар фаолиятини янада такомиллаштириш, стажировка ўташнинг ягона услубини жорий этиш, стажёр фаолиятини ташкил этиш ва малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида ҳамда «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасига мувофиқ, Адлия вазирлиги хайъати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идораларида ва хусусий амалиёт

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.*

билан шуғулланувчи нотариуслар ҳузурида стажировка ўташ тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин ва у давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтганидан кейин кучга киритилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бошлиқлари:

барча давлат нотариал идораларида ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ҳузурида стажировка ўталишини тўғри ташкил этилиши ҳамда мазкур Низом талабларига қатъий риоя этилишини назорат қилишни;

жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойида мазкур Низомни амалиётга татбиқ этиш юзасидан барча давлат нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ва стажёрлар иштирокида семинар машғулотларини ўтказишни таъминласинлар.

3. Нотариат, ФХДЁ ва адвокатура бошқармаси (И.И. Юсубжонов):

жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ушбу Низом қоидаларини қўллаш бўйича семинар ўтказишни ташкиллаштирасин;

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари, давлат нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан мазкур Низом талабларини бажарилишини мунтазам равишда назорат қилиб боришни таъминласин.

4. Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (С.У. Саттаров) ушбу ҳайъат қарори билан тасдиқланган низомни давлат рўйхатидан ўтказсин ва Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

5. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (У.Т. Аюбов) ушбу ҳайъат қарорини «Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этишни таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъатининг 1997 йил 28 апрель 33-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идоралари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларда стажировка ўташ тартиби тўғрисидаги низом ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Е.С. Канъязов зиммасига юклатилсин.

**Ҳайъат раиси, вазир Б. МУСТАФОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 8 ноябрь,  
29-сон

Адлия вазирининг 2006 йил 8 ноябрь  
29-сон Хайъат қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идораларида ва  
хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ҳузурида  
стажировка ўташ тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасига мувофиқ, давлат нотариал идораларида ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар (кейинги ўринларда матнда хусусий нотариуслар деб юритилади) ҳузурида стажировка ўташ тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

1. Давлат нотариал идорасида ва хусусий нотариус ҳузурида олий юридик маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси стажировка ўташга тайинланиши мумкин.

2. Давлат нотариал идораларида зарур бўлган стажёрлар сонини ҳар уч йилда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (кейинги ўринларда матнда адлия бошқармаси деб юритилади) нотариал палаталар билан биргаликда (агар тузилган бўлса) аниқлаб боради ва улар захирасини тузади. Бунга иш ҳажми, мазкур ҳудудда келгусида қўшимча нотариусларга бўлган талаб ва ишдан бўшаб ёки бошқа ишга ўтиб кетаётган нотариуслар сони асос қилиб олинади.

3. Стажировка ўтаганлар тегишли адлия бошқармаси томонидан алоҳида китобда рўйхатга олиб борилади.

4. Стажёрга раҳбар этиб нотариуслик лавозимида камида уч йил ишлаган ва нотариал фаолият бўйича етарли тажрибага эга бўлган нотариус тайинланади.

5. Стажёр раҳбари стажёрнинг стажировка даврида нотариал фаолиятга доир масалаларни ўзлаштириб боришида масъул ҳисобланади.

6. Стажёрга раҳбар этиб яқин қариндошлар (ота-она ва болалар, эр-хотинлар) тайинланиши мумкин эмас.

7. Стажировкага раҳбарлик қилаётган давлат нотариал идораси нотариусининг ойлик маошига адлия бошқармаси томонидан қўшимча тўловлар белгиланиши мумкин.

8. Стажировка ўталишини адлия бошқармаси ўз ваколати доирасида ўрганади, умумлаштиради ва назорат қилади.

**II. Стажёрни стажировка ўташини расмийлаштириш**

9. Давлат нотариал идорасида стажёрни ишга қабул қилиш адлия бошқармаси томонидан меҳнат шартномаси асосида амалга оширилади.

10. Хусусий нотариус меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ стажёрни мустақил тарзда ишга қабул қилади ҳамда бу ҳақда адлия бошқармасини уч кун ичида ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

11. Меҳнат шартномаси тарафлар келишуви бўйича меҳнат тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ тузилади.

12. Стажёрни ишга қабул қилиш вақтида қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

- а) ариза;
- б) белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
- в) паспорт нусхаси;
- г) олий юридик маълумоти тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- д) меҳнат дафтарчаси (биринчи маротаба ишга кираётган шахслар бундан мустасно);
- е) охириги иш жойидан меҳнат фаолияти ҳақида тавсифнома (биринчи маротаба ишга кираётган шахслар бундан мустасно).

13. Давлат нотариал идораларида стажёрни ишга қабул қилиш адлия бошқармаси бошлигининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Хусусий нотариусда стажёрни ишга қабул қилиш хусусий нотариус буйруғи билан расмийлаштирилади. Буйруқ чиқариш учун стажёр билан тузилган меҳнат шартномаси асос бўлади.

14. Ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқ тузилган меҳнат шартномасининг мазмунига тўла мувофиқ равишда чиқарилиши ва стажёрга маълум қилиниши лозим.

### III. Стажировка ўташ муддати

15. Стажировка ўташ муддати, ишдан ажралган ҳолда камида бир йил бўлиши лозим. Стажировкани ўриндошлик асосида ўталишига йўл қўйилмайди.

16. Юридик мутахассислик бўйича камида уч йиллик иш стажига эга бўлган шахслар учун стажировка муддати тегишинча адлия бошқармасининг буйруғи билан камайтирилиши мумкин. Бундай ҳолларда стажировка муддати олти ойдан кам бўлмаслиги керак.

17. Нотариус ёрдамчиси, шунингдек Адлия вазирлигида ёки адлия бошқармасида бевосита нотариатга раҳбарлик қилиш вазифаларини амалга ошириш билан боғлиқ лавозимларда (раҳбарлар, мутахассислар) ишлаган шахсларнинг узлуксиз иш стажы бир йилдан кам бўлмаган тақдирда улар стажировка ўтаган ҳисобланиб, имтиҳон топширишларига йўл қўйилади.

18. Стажёрнинг ёхуд стажировкага раҳбар нотариуснинг узоқ муддат касаллиги ёки бошқа узрли сабабларга (бола туғиш, тарбиялаш, таътилда бўлиши, ишдан ажралган ҳолда малака ошириш кабилар) кўра стажировканинг маълум муддати ўта олмай қолган тақдирда, тегишли адлия бошқармаси бошлигининг ёки хусусий нотариуснинг буйруғига кўра ана шу даврга узайтирилиши ёки бошқа нотариус ҳузурда стажировка ўташ учун бириктирилиши мумкин.

### IV. Стажёр фаолиятини ташкил этиш

19. Давлат нотариал идораларида стажёрлар меҳнатига адлия бошқармасининг давлат нотариал идоралари фаолиятини маблағ билан таъминлаш бўйича махсус ҳисоб рақамидан, хусусий нотариусларда эса, улар ўртасида тузилган меҳнат шартномаси асосида ҳақ тўланади.

20. Стажёр меҳнат шароити, иш стажы, иш вақти, меҳнат таътили, ижтимоий суғурта ва бошқа меҳнат қонунчилигига оид масалаларда нотариуслар учун белгиланган барча ҳуқуқлардан фойдаланади. Стажёрларга нисбатан ички меҳнат интизоми қоидалари татбиқ қилинади.

21. Адлия бошқармаси бошлиғи ёки ўринбосари томонидан стажировка даврида ўзлаштирилиши лозим бўлган ва нотариал фаолиятга тааллуқли бошқа масалаларни ўзида мужассамлаштирган стажировка ўташ режаси тасдиқланади. Ушбу режа асосида стажёрлар ўз вазифаларини давлат нотариал идоралари ва хусусий нотариусларда амалга оширадilar.

22. Стажёрнинг нотариал фаолиятни мукамал ўрганишини таъминлаш мақсадида адлия бошқармаси томонидан, иши намунали бўлган ва айрим мураккаб нотариал ҳаракатларни расмийлаштирадиган бошқа давлат нотариал идораларида бир ойдан ортиқ бўлмаган муддат мобайнида стажировка ўташи ташкил қилинади. Бошқа давлат нотариал идорасида стажировка ўталганлиги тўғрисида нотариус томонидан тегишли маълумотнома тузилиб стажёрнинг раҳбарига юборилади.

23. Стажёрнинг вазифасига қўйидагилар киради:

нотариал идорада иш юритиш;

нотариал ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлаш;

статистик ҳисоботларни тузиш ва таҳлил қилишда қатнашиш;

нотариал амалиётни умумлаштиришда иштирок этиш;

архив ишларини юритишни ўрганиш.

24. Стажировка даврида стажёр қўйидагиларни ўзлаштириши лозим:

Ўзбекистон Республикасининг нотариатга тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини;

нотариал амалиёт ва нотариал ҳаракатларни амалга ошириш қоидаларини;

меҳнат жамоаси ва фуқаролар билан ўзаро муносабатларда мавжуд бўлган ахлоқий нормаларни.

25. Стажёр хизмат вазифасини бажариш вақтида нотариал идорада амалга оширилган нотариал ҳаракатлардан унга маълум бўлган ахборотларни ошкор қилмаслиги лозим. Бу ҳақда стажёрдан тегишли тилхат олинади.

## V. Стажировка якуни бўйича хулоса

26. Стажёр стажировка якуни бўйича стажировка режасининг ижроси ҳамда ўзлаштирилиши ва касбий малакасини ошириш борасида амалга оширган бошқа ишлари ҳақида ёзма ҳисобот тузади.

27. Стажёр раҳбари ушбу ёзма ҳисобот асосида стажёрга тавсифнома тайёрлайди ва стажировка якуни бўйича хулоса тузади. Ушбу ҳужжатларга нотариуснинг имзоси ҳамда муҳри қўйилади.

28. Стажёр раҳбарининг хулосасида қўйидагилар баён этилиши лозим:

стажировка ўталган давр;

стажировка режаси бажарилганлиги ҳақидаги маълумот;

стажёрнинг стажировка ўташ даврида олган амалий кўникмалари ва касбий билим даражаси;

стажёрнинг унга юклатилган вазифаларни бажаришдаги маҳорати;

стажёрнинг кейинчалик мустақил равишда нотариус бўлиб ишлашга умумий тайёргарлик даражаси;

стажёрнинг стажировка ўталган даврига умумий ҳисоботи.

29. Хулоса уч нусхада тузилиб адлия бошқармасига ва стажировка ўтаган шахсга берилади. Учинчи нусхаси стажировка ўталган нотариал идорада сақлаш учун қолдирилади.

30. Стажировка натижалари бўйича стажёр адлия бошқармаси қошидаги нота-

рият бўйича малака комиссиясига ҳисобот беради ва комиссия қарорига асосан малака имтиҳонига қўйилади.

31. Стажировка ўташ натижаси тўғрисидаги хулоса ва тавсифнома стажёрнинг малака имтиҳонини топшириш ҳақидаги аризасига қўшиб қўйилади.

#### **VI. Яқуний қоидалар**

32. Адлия бошқармаси ҳар йил стажёрлар тайёрлаш борасида амалга оширилган ишларни умумлаштириб боради ва бу ҳақдаги маълумотни кейинги йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юборади.

+

-



**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2006 йил 4 ноябрдан 10 ноябргача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни чиқариш, давлат рўйхатига олиш ва сўндириш (бекор қилиш) тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг 2006 йил 30 октябрдаги 228-В-4, 2006-12 -сон қарори.*

*2006 йил 7 ноябрда 1216-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 17 ноябрдан кучга киради).*

2. «Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъатининг 2006 йил 8 ноябрдаги 28-сон қарори.*

*2006 йил 8 ноябрда 1637-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 18 ноябрдан кучга киради).*

3. «Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идораларида ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ҳузурида стажировка ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъатининг 2006 йил 8 ноябрдаги 29-сон қарори.*

*2006 йил 8 ноябрда 1638-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 18 ноябрдан кучга киради).*

**II. Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган меъёрий ҳужжат аниқланди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2003 йил 23 январдаги 21-сон, 2005 йил 21 апрелдаги 68-сон, 2005 йил 12 июлдаги 114-сонли буйруқлари ва 2006 йил 18 сентябрдаги 01-04/1-1334-сонли хати.

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган меъёрий ҳужжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегиш-

ли идорага ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.

**III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:**

1. «Электр ускуналарининг тузилиши қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида IV бўлим» «Ўздавэнергонадзорат» инспекция бошлиғининг 2006 йил 19 октябрдаги 167-сон буйруғи.

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда мазкур ҳужжат техник ҳужжат деб топилди. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда норматив-ҳуқуқий кўрсатмалар, шунингдек амалдаги қонунчиликка зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

+

-

—

+